ТАЪЗИМ СИЗГА, ФАЛАКИЁТ СУЛТОНИ!

МАМЛАКАТИМИЗДА БУЮК БОБОМИЗ МИРЗО УЛУҒБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 600 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 13 октябрь, пайшанба № 154 (21.758). Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АМЕРИКА—ЎЗБЕКИСТОН САВДО ПАЛАТАСИ ЙИҒИЛИШИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ТАБРИГИ

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Тошкентда Америка — Ўзбекистон савдо палатаси йиғилиши ўтказилиши мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганидан далолат беради. Бугунги кунда ҳамкорликдаги дастурлар хусусида гапирибгина қолмай, ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантириш борасида муайян вазифаларни ҳам ҳал қила олиш имконига эга бўлдик.

Американинг ишбилармон доиралари Ўзбекистонга тобора катта қизиқиш билан қарамоқда. Биз минерал ресурсларни ишлаш, энергия қувватини ишлаб чиқариш, бир-биримизга жиҳоз, товар етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш, йирик инвестиция лойиҳаларини молиявий жиҳатдан таъминлаш ва уларни амалга оширишга киришдик.

Барча учрашув қатнашчиларига муваффақият тилашга, шунингдек Америка—Ўзбекистон савдо палатасининг Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари фирмалари ва корхоналари ўртасидаги инвестицияларни қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти тенг ҳуқуқли шериклик, ҳурмат ва бир-бирига ишонч асосига қурилган икки томонлама иқтисодий муносабатларнинг бундан буён янада тараққий этишига хизмат қилади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсизлар.

Ислом КАРИМОВ.

УЛУҒ АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ

САМАРҚАНДЛИКЛАР БУЮК МУТАФАККИР МУҲАММАД ТАРАҒАЙ МИРЗО УЛУҒБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 600 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛМОҚДАЛАР

Дарҳақиқат, қадимий ва навқирон шаҳар қутлуғ тўй ва эзгу ниятлар оғушида. Дунёнинг турли бурчакларидан табаррук меҳмонлар қадам ранжида қилишмоқда. Давлатига у марказ қилиб олган маскан қиёфаси ўзгача ҳуснкашф этган.

Айниқса, қадимий обидалар бугун яшариб кетгандек. Хусусан Гўри Амир мақбараси чинакам очиқ музейга айланди. Унинг атрофида ковлаш ишлари бажарилди, ёдгорликнинг асл ҳоли тикланди. Бу ҳашарда бутун шаҳар жамоатчилиги иштирок этди. 15 октябрь куни қайта таъмирдан чиққан Гўри Амир мақбарасининг иккинчи умрига оқ фотиҳа тиланади.

Бир пайтлар жаҳон академияси деб ном олган расадхонанинг иккинчи қавати катта меҳнатлар эвазига тикланди. Бу маърифат маскани бутун борлиғи билан ҳақиқий зиёратгоҳга айланди. Меҳмонлар расадхонанинг ҳамда Улуғбек мадрасасининг қайта таъмирдан кейинги очилиш маросимларида қатнашадилар.

Асосий тантаналар Регистон майдонида бўлади. Бу ерга 25 минг киши ташриф буюради. Эрта тонгда элга ош тортилади. Кундузи эса меҳмонлар Улуғбек юбилейига бағишланган театрлаштирилган томошанинг гувоҳи бўладилар. Бундан ташқари, Ҳамид Олимжон номидаги мусиқали драма театри «Мирзо Улуғбек» фожиасини қўяди. Кинохоналарда ўша куни аллома ҳаётига оид фильмлар намойиш қилинади.

Чинни заводи юбилей мавзуида кўплаб гўзал буюмлар тайёрлади. Кўргазма заллари, махсус дўконлар пештахталари ана шундай нафис асарлар ҳамда маҳаллий кулолларнинг меҳнат масъули билан тўла. Айниқса, турли шакллар берувчи тунги чироқлар Улуғбек юлдузлари янглиғ қадимий шаҳар бағрига нур таратиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вилоят бўлими доирасидаги олимлари билан ҳамкорликда буюк мутафаккир меросига бағишланган конференция ўтказади. Бу ерда Улуғбек асарларининг кўргазмаси ҳам бўлади.

Фақат шаҳар эмас, вилоят, ҳар бир қишлоқ гўшасида муқаддас тупроғимизнинг етук фарзанд руҳига таҳсинлар ўқилмоқда. Жумладан, Пастдарғом туманида бўлган катта анжуманда академик Т. Ширинқулов Улуғбекнинг бебаҳо мероси ҳақида тўпланганларга сўзлаб берди. Туман ҳокими Н. Эшонқулов, вилоят партия кенгашининг биринчи котиби И. Суюнов мутафаккир, одамийлик мактабининг бугунги қадр-қиммати хусусида мулоҳаза юритдилар. Бундай учрашувлар барча туманларда ўтказилди.

— Мазкур юбилейнинг моҳияти ўзгача,— дейди вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов,— чунки Темурийлар авлодининг бу камол вакили ўзининг ақлу заковати, иқтидору идроки, юксак қалби билан дунёни забт этди. Темурийлар сулоласининг етук бошқарув мактабини янада такомиллаштирди.

Хуллас, бугун Зарафшон воҳасида Мирзо Улуғбек сиймосида ана шу табаррук заминга қадами теккан буюк бобокалонларимиз руҳи поки кезиб юрибди.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЮБИЛЕЙГА МУНОСИБ ТУҲФА

Яқинда Ўзбекистонга ташриф буюрган франциялик санъатшунос Фредерик Болпертюз-Брессанд хоним ўзи билан ажойиб совға келтирди. Бу қимматли туҳфа Ўзбекистон Фанлар академияси археология институти, Франциядаги темурийлар тарихини ўрганувчи олимлар ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалар уюшмаси ҳамкорлигида Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишлаб чоп этилган «Улуғбек — астрономия султони» номли рангли-безакли китобдир.

Китоб Ўзбекистон Фанлар академияси археология институти директори, тарих фанлари доктори Темур Ширинновнинг кириш сўзи билан бошланган. Фредерик хонимнинг тўпламдан жой олган мақоласида қоинотшунос олимларга ҳомийлик қилган темурий ҳукмдорлар — Шоҳрух, Улуғбек, Искандар Султон ва Бойсунқур Мирзонинг шу соҳадаги фаолияти атрофлича таҳлил қилинган.

Китобдан яна бошқа кўплаб олимларининг темурийлар давридаги илму маърифат ривожи ҳақида аниқ маълумотлар асосида ҳикоя қилувчи мақолалари ўрин олган. Унда, шунингдек, Улуғбек даврида тасаввуф таълимоти, пул муомаласи, заргарлик, мисгарлик ва кандакорликка оид қимматли маълумотлар бор.

— Тўпламдаги мақолаларда ҳали кенг жамоатчиликка маълум бўлмаган манбалардан фойдаланилгани айни муддаодир,— дейди китоб муаллифларидан бири, тарих фанлари номзоди Амриддин Бердимуродов.— Унда, жумладан, Вашингтон санъат галереясида, Туркиядаги Тўпқопи саройи кутубхонаси ва Истамбул университетида сақланаётган нодир топилмалар, Мирзо Улуғбек фаолияти билан боғлиқ нафис санъат буюмлари ва миниатюралар ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Бундан ташқари, тўпламда темурийлар тарихи ва маданиятига оид жаҳоннинг турли мамлакатларида чоп этилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. С. АБДУРАҲМОНОВГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ДИПЛОМАТЛИК МАРТАБАСИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Абдуғофур Сатторович Абдураҳмоновга Ўзбекистон Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси дипломатлик мартабаси берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 12 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. С. АБДУРАҲМОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Абдуғофур Сатторович Абдураҳмонов Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 12 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН—АҚШ: САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

12 октябрь куни республикамиз пойтахтидаги Халқлар дўстлиги саройида Америка—Ўзбекистон савдо палатасининг учинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Савдо палатаси Ўзбекистон билан Америка ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш ва фаоллаштириш ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл сармояларини кўпроқ жалб этиш мақсадида жорий йил бошида ташкил этилган эди. АҚШнинг «Боинг», «Каргил», «Катерпиллар», «Ньюмонт майнинг» каби 20 дан ортиқ йирик корпорация ва банклари, Навоий кон-металлургия комбинати ушбу савдо палатасининг муассислари бўлди. Айни пайтда Американинг яна 14 та корпорация ва банклари, Ўзбекистоннинг геология ва маъданлар заҳиралари давлат қўмитаси, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбеккосмос» ва бошқа ўнга яқин йирик уюшмалари, комитет ҳамда концернлари ушбу палатага аъзо бўлиш ҳоҳишини билдиришди.

Шу вақтгача савдо палатаси Вашингтонда икки бор мажлис ўтказди. Ушбу ташкилот Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон пойтахтида ўтаётган бу галги амалий сессия эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва алоқаларни янада кенгайтиришни мақсад қилган. Америка — Ўзбекистон савдо палатаси Президенти Николас Никазмерад мажлисни очар экан, иштирокчиларнинг бу борадаги ишларига омад тилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ўткир Султонов анжуман иштирокчиларига Президент Ислом Каримовнинг табригини ўқиб эшиттирди.

Ў. Султонов Ўзбекистонда амалга оширидаётган ислоҳотлар хусусида сўзлади. У ислоҳотларнинг асосий мақсадларига тўхталар экан, бозор муносабатларига ўтишда аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг самарали усулларини яратиш ва тараққий эттириш, иқтисодиётнинг жаҳон савдоси ва халқаро иқтисодий алоқалар жараёнига тўла қўшилишига эришиш, тизимларни босқичма-босқич ўзгартира бориш ёрдамида иқтисодий мустақилликни қўлга киритишни таъкидлаб ўтди.

Мажлис иштирокчилари шунингдек, Ўзбекистон давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси ўринбосари Ш. Ғофуровнинг республикамизда хусусийлаштиришнинг бориши хусусидаги, АҚШ давлат департаментининг Ўзбекистон бўйича бўлими раҳбари Даниел О'Грейдининг мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ва унинг тараққиёт истиқболлари ҳақидаги, Ўзбекистон истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари В. Голишев ҳамда республика молия вазири ўринбосари А. Абдуқодировнинг Ўзбекистонда сармоя сиёсати, савдо ва сармоя киритишга оид қонунчилик борасидаги, Америка—Ўзбекистон савдо палатаси вакили Кэролин Лэмм ва бошқаларнинг мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш тўғрисидаги мулоҳазаларини тингладилар.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ў. Султонов ва Америка—Ўзбекистон савдо палатаси президенти Н. Никазмерад журналистлар билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Америка—Ўзбекистон савдо палатаси учинчи мажлиси иштирокчилари Тошкент шаҳри ва вилоятидаги корхоналарга ташриф буюради, замин сайқали Самарқанднинг тарихий обидаларини кўздан кечиради.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Наманганда халқ депутатлари шаҳар кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди. Наманган шаҳар ҳокими Акмал Икромов соғлиғи ёмонлашганлиги сабабли аризасига кўра вазифасидан озод қилинди.

Депутатлар илгари вилоят ҳокими ўринбосари вазифасида ишлаган Муҳаммаджон Каримовни Наманган шаҳар ҳокими қилиб тайинлаш тўғрисидаги вилоят ҳокимининг қарорини тасдиқладилар.

Сессияда Наманган вилояти ҳокими Бургутали Рапиғалиев нутқ сўзлади.

(ЎзА мухбири).

ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Маълумки, Президентимиз Ислом Каримов яқинда Фарғона водийси бўйлаб сафар қилди. У уч кун мобайнида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари дала, фермалари, саноат корхоналари, қурилиш майдонларида бўлиб меҳнаткашлар билан учрашди. Олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг натижалари билан танишди. Ислоҳотларни бевосита амалга ошираётганларнинг фикрларини эшитди. Қуйида Президентимизнинг ташрифи, ўзаро мулоқотлар, жойларда халқ хўжалиги соҳасида эришилган муваффақиятлар, иқтисодий ислоҳотнинг бориши, унинг самаралари ҳақида миришкорлар ҳикоя қиладилар.

ҚУВОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

6 октябрь хўжалигимиз меҳнаткашлари учун ёддан чиқмас кун бўлди. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг далаларимизга ташрифи, деҳқонлар, механизаторлар билан қилган самимий суҳбатлари, доно ўгитлари барчамизнинг қалбимизда мангу муҳрланиб қолди.

Хўжаликнинг М. Бобожонов бошлиқ бригадасида 58 гектар пахта майдони бор. Жамоада 25 киши меҳнат қилади.

— Ҳолбуки, шунча майдонга 10—15 киши бемалол сифатли хизмат кўрсатиши мумкин,— дея уқтирди Президент,— ерларга кам ишчи кучи сарфлаган ҳолда кўп ҳосил олишни ўрганишимиз керак. Ерни ишнинг кўзини биладиган, тажрибали, меҳнаткаш деҳқонларга берайлик.

Президентимизнинг муборак пойқадами пахтакорларимизни ғалаба сари руҳлантириб юборди. Юртбоши ташриф буюрган М. Бобожонов бошлиқ бригада йиллик режани аллақачон бажариб қўйди. Хўжалигимиз бугун эрта маррага етади. Туманимиз пахтакорлари эса вилоятда биринчи бўлиб йиллик режани бажариш арафасидалар.

Акрамжон ЭРҒАШЕВ,
Олтиариқ туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги раиси. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси.

КЎНГЛИМ ТОҒДЕК КЎТАРИЛДИ

Юртбоши, давлат раҳбарини шунчалар элпарвар, юртпарвар бўлганини сезган эмасман. Ёшим 90 ни қораламоқда. Оддий боғбонман. Бобур номли, «Туркистон» ва бошқа хўжаликларда 105 гектар боғ яратдим. Энг муҳими уларга тоза навли кўчатлар экдим. Негаки, кейинги йиллар, айниқса, узумнинг қадимий турлари, серҳосил, сифатли навлари йўқолиб кетаёзган эди. Мен уларни сақлаб қолишга оз бўлса-да ҳисса қўшганимдан шодман.

Мана бир неча кундирки, уйимизда хурсандчилик, тўй. Табриклагани ҳамқишлоқларим, тенгдошларим келмоқдалар. Негаки, мендай оддий деҳқон уйига Ўзбекистон Президенти ташриф буюрди. «Шу учрашувдан эсдалик сифатида битта машин совға қилмоқчиман. Қариганингизда фарзандларингиз айлантириб юрсин», дедилар у киши. Шу билан бирга биздай одамлар қандай яшаяпти? Нима ташвишлари бор, шу масалалар билан қизиқдилар. Етти хил узум навини ўз кўзлари билан кўрдилар. Уни етиштириш сирларини сўрадилар. Ҳосилдорлик, даромад билан қизиқдилар. Енгил автомашина совға қилингани оила аъзоларимнигина эмас, ҳамқишлоқларимни ҳам руҳлантириб юборди. Камтарона меҳнатим мукофотга муносиб кўрилгандан хурсандман. Умрим борича юртга хизмат қиламан.

Абдужаббор ЮСУПОВ,
Тўрақўрғон туманидаги Ҳўжанд қишлоғида яшовчи боғбон.

ЯХШИ ИШЛАРГА РУҲЛАНТИРАДИ

Вилоятимизнинг улкан пахта хирмони учун кураш авжига чиққан қизғин дамларда мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг Андижонга ташриф буюриб, қатор меҳнат жамоаларида бўлиши қалбларимизни ҳаяжонга солди. Давлатимиз раҳбари ташрифи чоғида туманимизда ҳам бўлиб, далаларимизни кўздан кечирди, пахтакорларимиз амалга ошираётган ишлар билан танишди.

Президентимизнинг оддий меҳнат кишиларига бўлган эътиборидан ниҳоятда тўлқинландик. Серҳосил ва тезпишар навларни кўпайтириш ҳисобига пахтачиликни ривожлантириш ҳақидаги самимий таклифлар, фикр-мулоҳазалар, кўрсатмалар бундан буён ҳар биримизни яхши ишларга рағбатлантириши, мустақилликни мустаҳкамлашга қўшадиган ҳиссамизни кўпайтиришга илҳомлантириши шубҳасиз.

С. ШОКИРОВ,
Комсомолобод туманидаги «Улуғнор» ширкатлар уюшмаси бригада бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор.

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

10 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасида кенгаш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 14 июлдаги «Республикада дори-дармонлар сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 6 августдаги «Республикада дори-дармонлар ва тиббий жиҳозлар билан таъминлашни яхшилашнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётгани муҳокама қилинди.

Кенгашда вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг раҳбарлари, дорихона хизмати ҳамда дори-дармон саноати ташкилотчилари ва амалий ходимлари иштирок этди. Кенгашни республика Бош вазири А. Муталов бошқарди.

Муҳокамада таъкидланганидек, кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан, бозорни дори-дармон билан тўлдириш юқорида тилга олинган ҳужжатларда кўзда тутилган даражада амалга оширилмаган. Даволаш муассасаларида дори-дармон таъминоти масаласида ҳамон танглик мавжуд.

Кенгашда аниқланган нуқсонларни бартараф этишнинг йўллари белгиланди. Мазкур масалага масъул вазирлик ва идораларга ҳамжиҳатлик билан ишлаш, дори-дармонни олиб келиш ва олиб кетишни тартибга солиш, тўловлар интизомини мустаҳкамлаш, дори-дармон саноати ва дорихона савдосига сарфланаётган сармояларга банк кредитларини бериш имкониятларини биринчи навбатда кўриб чиқиш таклиф этилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарор қабул қилди.

(ЎзА).

„Оқ олтин" хирмонига

1994 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА 12 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	бир кунда	мавсум бошидан	шу жумладан машинада терилгани: бир кунда	мавсум бошидан
Бухоро	1.22	89.66	0.02	3.66
Хоразм	1.98	87.09	0.29	6.41
Қашқадарё	2.09	86.00	1.47	58.82
Навоий	1.43	82.30	0.88	23.03
Андижон	1.89	79.33	0.65	17.17
Фарғона	1.66	77.69	0.24	13.88
Самарқанд	1.49	77.51	0.35	24.17
Сурхондарё	1.62	73.21	0.63	28.68
Наманган	2.34	72.49	1.31	30.34
Тошкент	2.32	63.63	1.70	44.09
Қорақалпоғистон Республикаси	2.09	56.22	0.97	16.70
Жиззах	1.84	56.03	1.49	42.22
Сирдарё	2.60	49.70	2.24	37.51
Республика бўйича	1.91	73.11	1.06	29.80

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг уч йиллигига

Қамаши тумани партия кенгаши ўз ишида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътиборни қаратмоқда. Туманнинг ўзига хос хусуситлари ҳисобга олинган ҳолда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар жадаллаштирилиб, мулкчиликнинг янгича шакллари вужудга келтирилиб, Туманда 2000 йилгача иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш дастури ишлаб чиқилган. Уни бажариш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилиб.

Шунингдек, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 9 та давлат хўжалигининг 7 таси жамоа ширкат хўжалигига, иккитаси акционерлик жамиятига айлантирилди, 12 та чорвачилик фермаси ҳиссадорлик асосида фаолият кўрсатаётир. Албатта, юқоридаги ишларга туман партия кенгаши ҳам бош-қош бўлиб, амалий ёрдамини аямаяпти.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ— ХАЛҚЧИЛ СИЁСАТ НЕГИЗИ

Бевосита кенгашимиз кўмаги билан тумандаги 162 та деҳқон (фермер) хўжалигига 2459 гектар ер майдони ажратиб берилди. Натижа эса чакки эмас. Ярим йилда деҳқон (фермер) хўжаликлари 273 тонна сут ва 10 тонна гўшт ишлаб чиқардилар. 595 киши иш билан таъминланди. «Чим» жамоа хўжалигидаги «Қудрат», «Қоратепа» жамоа хўжалигидаги «Бунёд» сингари деҳқон (фермер) хўжаликларининг ҳар бири ойига 3—4 тоннадан сут ишлаб чиқариб, намуна бўлишяпти.

Туман партия кенгаши аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, аҳолини иш билан таъминлашни яхшилашга алоҳида аҳамият бераётир. Ушбу мақсадларда туманда 56 та кичик корхона ташкил этилган бўлиб, уларда икки йил ичида 1232 та қўшимча ишчи ўринлари яратилди. Айниқса, «Ғаллакор», «Фарғона», «Чим», Гагарин номли жамоа хўжаликларида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, савдо-воситачилик фаолияти яхши йўлга қўйилди. Бу йил туманда 47 минг тонналик ғалла хирмони яратилиб, шаҳар аҳолисига 10 килограммдан, қишлоқда яшовчиларнинг ҳар бирига 25—30 килограммдан ғалла арзон нархларда сотилди.

Меҳнаткашларнинг иқтисодий билим савиясини ошириб бориш, меҳнатга янгича муносабатларни шакллантириш туман партия кенгаши диққат марказида турибди.

Ўқувлар иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий йўналишларда ташкил этилган бўлиб, уларга туман партия кенгаши ижроия бюроси аъзолари раҳбарлик қиладилар. Бундай учрашувлар олимлар, зиёлилар, мутахассислар, вилоят партия кенгаши котибларисиз ўтмайди.

Туманимизда ишлаб чиқаришнинг асосий тармоғи пахтачилик. Ўтган йили пахта тайёрлаш йиллик режаси 13 октябрь куни республикада иккинчи бўлиб уддаланган, давлатга 41 минг тонна пахта хом ашёси сотилганди. Бу йилги режа сентябрь ойи охирида бажарилиб, давлатга 30 минг тонна пахта сотилди. Ялпи ҳосилдорлик гектар бошига 33 центнерни ташкил этди.

Маънавиятимиз ва маданиятимизни юксалтириш, аҳоли орасида партиявий таъсирни кучайтиришга катта эътибор берилаяпти. Мактаблар қурилиши ўтган йилдагига қараганда учтага кўпайди. Миллий истиқлол мафкураси ғояларини тарғиб қилиш, Республика Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига номзодлар танлашга эътиборни қаратиш, 25 декабрь куни бўладиган сайловда муносиб номзодларни сайлаш бош вазифаларимиздир.

Жаббор РАСУЛОВ,
Ўзбекистон ХДП Қамаши туман кенгашининг биринчи котиби.

СИНОВ ЭНДИ БОШЛАНАДИ

Ҳамма нарсанинг илк қадами мушкул бўлади. Бугунги кунда халқ орасида обрў-эътибор топаётган Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун ўтган уч йиллик қисқа давр осон кечгани йўқ. Зеро, халқимизнинг асрий орзуумидларини ўз Дастурида акс эттирган партиямиз фаолиятининг илк кунларидаёқ мамлакатимиз, ёш мустақил давлатимиз манфаатларини кўзлаб иш бошлади. Халқнинг дилидаги, тилидагини билиш, англашга интилди. Шу боис Халқ демократик партияси халқчил партия сифатида майдонга чиқди. Лекин ҳақиқий синовдан энди ўтамиз.

Куни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг XII пленумида таъкидланганидек, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ўтказиладиган сайловлар халқимиз, мамлакатимиздаги сиёсий кучлар, жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун ҳам муҳим аҳамиятга моликдир.

Ҳолида ОЧИЛОВА,
Тошкентдаги «Чинобод» санаторийси шифокори, ХДП аъзоси.

Партия ахбороти

ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

«Оқ олтин» ижара ширкатлар бирлашмаси Дўстлик туманида кўзга кўринган хўжаликлардан бири. Шукур Жўраев бошчилик қилаётган бошланғич партия ташкилоти маъмурият билан бевосита ҳамкорликда иш олиб бориб, хўжаликда кўпгина ижобий ишларни амалга оширмоқда. Ободончилик ва кўкаламзорлаштиришда, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда ХДП аъзолари фаоллик кўрсатишяпти. Бирлашма раҳбари Раҳим Есенқулов ҳам партия ташкилотига яқиндан ёрдам бермоқда.

«Оқ олтин» ижара ширкатлар бирлашмаси бошланғич партия ташкилоти тажрибаси Дўстлик, Мирзачўл, Зафаробод, Пахтакор, Арнасой туманлари бошланғич партия ташкилотлари котибларининг зонал семинарида ўрганилди.

Ҳозирги кунда мазкур ташкилотда 125 нафар партия аъзоси бор. Улар 7 та цех партия ташкилотига жипслашган. Хўжаликда бир неча кичик корхона, 15 та фермер хўжалиги ташкил этилган бўлиб, ХДП аъзоси Этамқул Мавлонов етакчилик қилаётган «Чашма» фермер хўжалиги тажрибаси эътиборга лойиқ.

Нуриддин НУРМАТОВ,
ЎзХДП Жиззах вилоят кенгашининг ташкилий бўлими мудири.

«ПАРТИЯНИНГ ТЕРАКЗОРИ»

Шоҳимардон тоғлари этакларидаги ўркач-ўркач қирлар бағрида жойлашган гўзал, хушҳаво қишлоқ четида пайдо бўлган теракзорни хонқизликлар шундай деб атай бошлашди. Сув манбаларидан хийёл узоқ, деҳқончилик учун яроқсиз ҳисобланган бир ярим гектарча ташландиқ ерни «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги ХДП бошланғич партия ташкилоти котиби Қобилжон Йўлдошев анчадан буён кўз тагига олиб юрарди.

Бошланғич ташкилот рўйхатида 117 нафар партия аъзоси бор. Тушган аъзолик бадалларининг бошланғич ташкилот ҳисобида қолаётган қисми фаолларни рағбатлантириш, ночор оилалар, ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш, турли тадбирлар ўтказиш учун ҳам сарфланади. Аммо бошланғич ташкилот хазинасига қўшимча маблағ туширилса, ана шундай хайрли, савоб ишларни кўпроқ қилиш учун янги имкониятлар туғиларди. Бир куни партия фаоллари йиғилишида Қ. Йўлдошев шу хусусда сўз очди.

Жамоа хўжалиги раиси, ХДП аъзоси Р. Раҳимов: «Бир таклиф бор,— деб қолди,— қишлоқ четидаги бир ярим гектар майдонни ўзлаштириб экинзор, теракзор қилайлик».

Бу фикр партия аъзоларига маъқул тушди. Кўп ўтмай тошлоқ ер шудгорланиб, янги ариқ ковланди. Ҳашар усулида бажарилган бу ишларнинг барчаси партия аъзолари томонидан амалга оширилди. Маслаҳат билан ўзлаштирилган майдонга 50 минг туп мирзатерак экилди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДИЛИ ВА ТИЛИ БИР ХАЛҚМИЗ

Тўртинчи шиоримиз: иқтисодий ҳаётимизда мулк шаклини ўзгартириб, мулкни ўз эгасига топширайлик! Эркинлик, тадбиркорлик ва ташаббускорлик асосида халқимизга фаровон ҳаёт яратиб берайлик!

Ислом КАРИМОВ.

ЕР ЎЗ СОҲИБИНИ ТОПДИ

Мустақил Ўзбекистонимиз ривожланган мамлакатлар иқтисодининг юксалишида омил бўлган бозор иқтисоди сари бормоқда. Бу йўлда муҳим ислоҳотларни амалга ошириш лозим бўлади, Президентимиз Ислом Каримов Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари меҳнаткашлари билан бўлган учрашувларда алоҳида таъкидлаганидек, ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этишда энг долзарб масала—мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштиришдир.

Чунки хусусий мулк ишга муносабатни ўзгартиради, бозорни тўлдиради ва халқ турмуши фаровонлашувида етакчи омил бўлади. Таассуфки, шўро замонида юритилган иқтисодий сиёсат таъсирида одамлар ишчанлик, мулкка хўжайинлик ҳиссини деярли унутган, давлатга қарам бўлиб яшашга ўрганиб қолган эди.

Бу ҳолни бизнинг собиқ Ульянов номли давлат хўжалиги жамоаси фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин. Яхшиямки, истиқлол туфайли одамларнинг бор маҳоратини ишга солиб, баракали ишлашлари ва ушбу меҳнат самарасидан кўпроқ баҳраманд бўлишлари учун имкониятлар яратилди. Яъни ер ўз соҳибини топди.

Хўжалигимиз ҳозир ширкатлар уюшмаси, деб юритилади. Ҳар бир ширкат мустақил бир жамоа. Уларга ер, техника воситалари бириктириб қўйилган. Уюшма маъмурияти ширкатларни ёнилғи, ўғит, транспорт воситалари, зарур ҳолларда бульдозер, экскаватор билан таъминлайди.

Жамоа агар моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланса, техника воситаларини асраб авайласа, умрини узайтирса ўзига фойда. Аксинча, харажати кўпайиб кетса ҳамёнига зарар. Биз ширкатларни ташкил этишдан аввал одамлар онгига ушбу ақидани сингиришга ҳаракат қилдик. Шунинг учун ҳам янгича тартибда иш бошлаган пайтдан бошлабоқ ишларимиз юришиб кетди. Ҳамма кам харажат қилиб, кўпроқ самара олишга ҳаракат қилди. Яъни далага номига чиқиб, қўл учида ишлаб, нарядга кўпроқ ёздирса ғалвир сувдан кўтарилганда дорда қолиши мумкин.

Шу туфайли ҳам йил сайин ишларимиз юришяпти. Об-ҳаво қандай келишидан қатъий назар режалар ошириб уддаланмоқда. Пахтакорлар учун ноқулай келган 1993 йилда ҳам кўнгилдагидек хирмон кўтаришга муваффақ бўлдик. Ўзимизнинг тасарруфимизга ўтган толани сотиб, катта даромад олинди. Шунинг ҳисобига янги тракторлар, эҳтиёт қисмлар, бошқа зарур ашёлар харид қилдик. Энг асосийси, одамлар мўмай даромадли бўлдилар. Бу уларда меҳнатга иштиёқ уйғотди.

Бу йил ҳам далаларимизда мўл ҳосил етилган. Айни кунларда барча пайкалларда пахта йиғим-терими авжида. Мўлжалимиз 2850 гектар майдондан 5700 тонна «оқ олтин» териб топшириш. Шунинг 4300 тоннасини машиналар ёрдамида саранжомлашимиз керак. Ҳозир далаларда 50 дан зиёд «зангори кема» юксак унум билан ишлатилмоқда. Илғор механизаторлар кунига 10—12 тоннадан пахта теришга муваффақ бўлишмоқда.

СУРАТДА: Шакарбой Исроилов илғор ширкат бошлиғи Холбуви Рустамова билан.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

Шунинг учун ҳам кунига 3—3,5 фоиз миқдорида пахта тайёрланаётир. Ҳозиргача йиллик режанинг 80 фоизидан ошириб «оқ олтин» тайёрланди. Юксак суръатни таъминлашда Жиззах педагогика институти талабаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Уларга унумли ишлашлари учун барча шароитларни яратиб берганимиз туфайли ҳам ҳар бир талаба кунига ўртача 100 килограммга етказиб хирмонга пахта тўкяпти.

Теримчиларга ҳар беш кунда ҳар килограмм пахта учун 50 тийиндан пул бериляпти. Талабалар ва ўзимизнинг чевар теримчилар ичида беш кунда 350—400 сўмдан пул олаётган илғорлар бор. Суръат ортган сайин ширкатлар уюшмамиз марра сари дадил одимламоқда. Яъни туман хўжаликлари ичида пешқадамлар сафида боряпмиз.

Мавсум илғорлари ҳақида гап кетганда машҳур пахтакор Холбуви Рустамова ҳақида алоҳида самимий сўз айтмаса бўлмайди. У бошлиқ ширкат аъзолари қатор йиллардан бери мўл, сифатли, таннархи арзон пахта етиштиришда; нафақат хўжаликдаги, балки туман, қоларверса, вилоят пахтакорларига ўрнак кўрсатиб келишаётир.

Бу йил ҳам шундай бўлди. Миришкорлар 210 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан қарийб 25 центнердан хирмон кўтариб, давлатга 500 тоннадан зиёд пахта топширдилар ва вилоятдаги ширкатлар ичида биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекишди. Хўш, бунинг боиси нимада?

Ширкатда иш юритиш, деҳқончилик юргизишнинг ўзига хос тажриба мактаби яратилган. Бу ерда оз меҳнат билан кўпроқ даромад олишга ҳаракат қилинади. Юмушларнинг оғири техника зиммасида. Шунинг учун ҳам бу йил тикланган хирмоннинг 70 фоиздан ортиғи машиналар ёрдамида бунёд этилди. Уммат Тўраев, Нуриддин Товбаев, Нуриддин Раҳматуллаев, Ўткир Жабборов, Баҳодир Рўзматов каби суворийларнинг ҳар бири ҳозиргача пўлат этаклардан 75—80 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

Опа-сингил Ҳафиза, Фотима, Муслима Эшонжоновалар айтарли 10—15 кунда 10 тоннадан ортиқ пахта териб, 5 минг сўмдан зиёд пул ишлашди. Мавсум эса давом этяпти. Кунига 100—120 килограммдан ортиқ пахта тераётган қизлар оила даромади салмоғини оширишлари шубҳасиз.

Ҳар кимнинг меҳнатига яраша, деган шиор энди амалга ошяпти. Яъни, ҳалол меҳнат қадр топадиган вақт келди. Бу ёғи ўзимизга боғлиқ. Президентимизнинг ҳаётбахш Фармонлари бу ишда катта кўмак бермоқда. Бу йил режадаги пахтамизнинг учдан бир қисми, режадан ташқарисининг ҳаммаси ўзимизники бўлади. Буни яхши тушунган уюшмамиз жамоаси бор ҳосилнинг сўнггги миқолигача тез орада саранжомлаб олиш сари бир ғайратга-ўн ғайрат қўшиб ишлаяпти. Чунки улар бу меҳнат келажакда ўзларига катта фойда келтиришини яхши биладилар.

Шакарбой ИСРОИЛОВ,
Пахтакор туманидаги «Навбаҳор» ширкатлар уюшмаси раиси.

Задарё туманидаги «Гулбоғ» жамоа хўжалиги пахтакорлари шу кунларда терим суръатини тобора оширмоқдалар. Мирзамаҳмуд Розиқов бошлиқ бригада аъзолари хўжаликда пешқадамлик қилишаяпти. Улар ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олиш ниятида. Айни пайтда жамоа аъзолари кунига йиллик режанинг 2—2,5 фоизи миқдорида хом ашё тайёрлашяпти.

Суратда: ХДП аъзоси, бригада етакчиси М. Розиқов теримчилардан М. Раҳмонова, М. Тошматова ва Қ. Раҳмоновалар билан.

П. АКБАРОВ олган сурат.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қадрли муштарийлар!

Маълумки, 1995 йил учун мамлакатимиз газета ва журналларига обуна давом этмоқда. Аввал хабар берилганидек, **«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетасининг** йиллик обуна баҳоси 307 сўм қилиб белгиланган эди.

Кўп сонли муштарийларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, муассис — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши обуна баҳосини ўзгартиришга қарор қилди. Шундай қилиб, **«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетасининг**

1995 йил учун обуна баҳоси қуйидагича белгиланди.

Фуқаролар учун:
бир йилга — 252 сўм;
олти ойга — 126 сўм;
Корхона ва ташкилотлар учун:
бир йилга — 528 сўм;
олти ойга — 264 сўм;

«Ўзбекистон овози»га обуна бўлишга шошилинг!

• Ислоҳот чорраҳаларида

БИР БОШОҚ ДОН—БИР САВАТ НОН

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ВИЛОЯТИДА УННИ ҚОПСИЗ ТАШИШ ВА САҚЛАШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА НОН САНОАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ СЕМИНАР-ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XVI сессиясида юртбошимиз Ислом Каримов ғалла мустақиллигига эришишнинг долзарб муаммолари хусусида куюниб гапирган бежиз эмас. Зотан, ғаллачиликда ҳар гектар ер самарадорлигига эришиш, саноат корхоналарида ундан тежаб-тергаб фойдаланиш, уни идишсиз ташиш ва сақлаш, нон маҳсулотларнинг сифатлилигини таъминлаш аҳолининг шу неъматларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш йўлидаги энг муҳим вазифалар сирасига киради. Семинарнинг асосий мавзуи, мезони ва мақсади ана шу талабларга бўйсундирилгани табиий эди.

Ўзингизга маълум, ҳар бир халқнинг фаровон яшаши негизлари иқтисодиётга бориб тақалади. Иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб эса, олға силжиш мумкин эмас. Бу ҳақда сессияда ҳам алоҳида таъкидланди. Демак, иқтисодий мустақиллик сари одим ташлашда республикамизнинг асосий қон томирларидан бири бўлган ғаллачилик ва қайта ишлаш корхоналарида туб ўзгаришларга эришиш замон талаби. Шундай экан, нима учун тўпланган муайян тажрибани бақамти баҳам кўриш, фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашиш, таклиф ва маслаҳатларни эшитиш мумкин эмас? Семинарни ташкил қилган «Ўзбекбирлашув» бошқаруви раҳбариятининг ҳам муддаоси шу эди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, вилоятлар ҳокимлари ўринбосарлари, йирик нон саноати корхоналари раҳбарлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этган семинар ўз ишини пойтахтдаги Тошкент нон ишлаб чиқариш корхоналари бирлашмасига қарашли «Бошоқ» кичик новвойхонаси фаолияти билан танишишдан бошлади.

Кичик корхона махсус лойиҳа асосида қурилган. Нон маҳсулотларидан ўн беш хили Германиянинг «Винклер» фирмаси айланма электр печларида пиширилади. Бир кеча-кундузда 3,5 тонна маҳсулотни пиширишга қувватига эга. Айни пайтда буюртмалар асосида 2-2,5 тонна нон ишлаб чиқарилмоқда. Печлар автоматик тарзда ишлайди. Умумий овқатланиш ошхоналарида ишлатса бўладиган нонни бўлаклаб кесиш қурилмаси мавжуд. Корхона маҳсулотларини цех ёнида жойлашган ўз дўкони орқали сотади. Бошқа новвойхоналардан фарқи қопсиз ун қабул қилишга мўлжалланган иккита сиғим ўрнатилган. Уларнинг ҳар бири ўн тоннагача унни сиғдира олади. Машиналарда келтирилган ун сиғимга тушгач, бу ердан тўғри ишлаб чиқариш цехига жўнатилади. Қисқаси, идишсиз ундан фойдаланишга ўтиш жамоага ҳам ишчи кучидан, ҳам маблағдан ютиш имконини бермоқда.

Тошкент тракторсозлари (ТТЗ-4) даҳасида жойлашган кичик нон корхонаси фаолияти ҳам диққатга молик. У шу йил ишга туширилган бўлиб, бир кунда ўн тоннагача нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга. Қолипли нонлар «Рус печкаси»да пиширилади. Уни қуриш ва ишлатиш усули оддий. Кўп маблағ талаб этмайди. Бир соат мобайнида олтита печкадан 800 килограмм бўрсилдоқ нон узиб олиш мумкин. 17 хил нон ичида деярли унутилаёзган туркманча «Чурак» ва 200 граммли парҳезли қора нонлар пиширилаётганидан харидорлар мамнун.

Шундан кейин семинар қатнашчилари Ўрта Чирчиқ тумани матлубот жамиятига қарашли йирик нон корхонасини бориб кўрдилар. У ўз бўлинмалари орқали қариб 140 минг нафар кишига хизмат кўрсатади. Корхона намунали лойиҳа асосида қурилган. Бир кунда ўрта ҳисобда 17 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Ҳар бирига 18 тонна ун кетадиган олтита сиғим мавжуд. Қопсиз ун махсус компрессор ёрдамида ҳаво йўли билан эланиб, сўнгра ишлаб чиқариш цехига етказиб берилади. Миллий ва ширин нонлар бўлимига ҳам заҳирага ун ташувчи машина сиғимлари ўрнатилган. Ҳар уч ойда асосан Оҳангаронда келтириладиган идишсиз ун миқдори 450 тоннани ташкил этади.

— Савдо бўлинмаларимизда харидорлар талаб-эҳтиёжи мунтазам ўрганилади, — дейди корхона директори Миродил Мирсултонов. — Ана шу талаб-эҳтиёждан келиб чиқиб, айни пайтда 20 хилдан зиёд нон ишлаб чиқарилмоқда. Савдо дўконларига кунига 17-18 тоннагача тайёр маҳсулот жўнатиляпти. Унни идишсиз ташиш, сақлашга ўтилгач, корхона ойига 14 минг 500 сўмлик маблағни тежаб қолаётир. Бир йиллик иқтисодий самара эса 140-150 минг сўмни ташкил этади. Агар республикамиздаги барча нон корхоналари шундай ишлашга ўтса борми... Эҳ-ҳе...

Ҳа, унинг куюнганча бор. Кейинги пайтда ун идишлари валюта ва пахтамиз ҳисобига не-не машаққатлар билан четдан келтирилаётганлигини ҳисобга олсак, мазкур муаммони ҳал қилишга ўтиш миллионлаб сўмимизни иқтисод қилиш имконини берган бўлур эди. Жумладан, шу йилнинг тўққиз ойи ичида республика бўйича мазкур тармоқда 230 минг тонна ун қопсиз ташилиб, катта иқтисодий самара кўрилди. Тошкент нон ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Олмалиқ нон комбинатида 90 фоиз ун идишсиз ташилмоқда. Чирчиқ нон комбинати эса темир йўлдан фойдаланувчи республикада ягона корхона. У янги усулни тадбиркорлик билан амалга оширмоқда.

Идишсиз ун ташиш, қабул қилиш ва сақлаш юмушлари Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё ва Навоий вилоятларида ачинарли аҳволдалиги билан келишиб бўлмайди. Бундай салбий ҳолатни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 10 декабрдаги «Унни идишсиз ташиш ҳажмларини кўпайтириш тўғрисида»ги қарорини бажармасликдан бошқача баҳолаб бўлмайди.

Семинар иштирокчилари Зангиота туманидаги нон корхонаси 7-филиалида ҳам бўлиб, тухумли вермишел ишлаб чиқариш технологияси билан танишдилар, нон дўконида ташкил қилинган янги иш услублари билан қизиқдилар. Куннинг иккинчи ярмида улар Қибрай тумани матлубот жамиятига қарашли нон комбинати ҳамда шу тумандаги Дўрмон матлубот жамиятининг 3-озиқ-овқат дўкони иш тажрибаларини ўргандилар. Қибрай тажрибаси бир йилда туман бўйича 550 минг сўмни тежаш имконини бериши кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортди.

Семинар якуни бўйича ўтказилган йиғилиш иштирокчиларига юртбошимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Олий Кенгаши XVI сессиясида қилган маърузасидан видеотасмага ёзиб олинган шу куннинг мавзунга тегишли қисми кўрсатилди. Сўзга чиққан «Ўзбекбирлашув» бошқаруви раиси Б. Абдуғаниев, «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси раиси биринчи ўринбосари Ш. Муҳаммаджонов ва бошқалар ғалла мустақиллигига эришиш йўл-йўриқлари, идишсиз ун ташиш, қабул қилиш ва сақлашдан ҳар бир комбинат йилига 100 минг сўмни, республика бўйича эса 16 миллион сўмни тежаб қолиш мумкинлиги, ризқ-рўзимиз — нонни эъзозлаш, сифатини ошириш ва бошқа кўплаб ечимини кутаётган муаммолар ҳақида тўхталдилар.

Хуллас, қаловини топсанг қор ҳам ёнади, деганларидек, агар иқтисодий ислоҳот талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, бир бошоқдан бир сават нон олиш зарурлигини ҳаёт тақозо этмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов семинарга якун ясаб, шуларни таъкидладики, ғалла уруғчилигини яхшилаш, уни районлаштириш учун жиддий юмушларга қўл урилиши керак. Ғаллакорлар меҳнатини эъзозлаш, улар етиштирган маҳсулотнинг юқори сифатлигини таъминлашга эришиш, ғаллага бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш даркор. Шунга интилиш керакки, токи бугунги семинар натижалари тезда ҳаётда ўз аксини топсин. «Ўзозиқовқатсаноати», «Ўзбексавдо», «Ўзавтотранс», «Ўздонмаҳсулот», «Ўзбекбирлашув» корхоналари ва бошқа шу соҳага дахлдор ташкилотлар келгуси йилнинг 1 июлига қадар юқорида таъкидланган янги иш услубларига ўтиб ишлашни ниҳоясига етказишлари охирги муддат этиб белгиланди.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ҚИРОЛЛИК ФЛОТИ ГОНКОНГДА ҚОЛАДИМИ?

● ПЕКИН. Британия қироллик флоти 1997 йил июнь ойидан сўнг Гонконгда қолиш ниятида эмас. Гонконг оммавий ахборот воситалари Буюк Британия Мудофаа вазирлиги вакили баёнотига таяниб, шуни хабар қилди.

Маълумки, юқорида қайд этилган муддатдан сўнг Гонконг ХХР маъмурий районига айланади.

ТААССУФ БИЛДИРДИ

● ТОКИО. Хитой ядро синовларини давом эттирадиган бўлса, Япония бу мамлакатга иқтисодий ёрдам бериш масаласига ўзгача ёндашиши мумкин.

Япония Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар вазири Иохэй Коно журналистлар билан суҳбатда шу ҳақда маълум қилди. У ХХРнинг яқинда ядро синови ўтказганидан ғоят таассуф билдирди.

ИСТЕЪФОГА ЧИҚИШГА РОЗИ

● ДЕҲЛИ. Афғонистон давлати Президенти Бурҳониддин Раббоний бир қанча талаблари бажарилган тақдирда истеъфога чиқишга рози эканини билдирди.

Исломободдан олинган хабарга қараганда, Б. Раббоннинг бетараф мужоҳидларнинг Покистондаги Кветта шаҳрида бўлиб ўтаётган учрашув қатнашчиларига йўллаган махсус мурожаатномада ўз талабларини баён қилган.

НОҚОНУНИЙ БАЛИҚ ОВЛАГАНИ УЧУН

● ХАНОЙ. Тайланд ҳукумати вакиллари мамлакат ҳудудига кирувчи сувларда ноқонуний равишда балиқ овлагани учун Вьетнамнинг икки кемасини ва 20 нафар балиқчисини қўлга олди.

Бу воқеа Сиам кўрфазида, Косамт оролидан юз километр жануброқда содир бўлди.

ФОРС КЎРФАЗИДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

● ВАШИНГТОН. «Биз Саддам Ҳусайннинг АҚШ ва халқаро ҳамжамият раъйига қарши боришига йўл қўймаймиз. Ироқ бугун ўз аскарларини Қувайт чегарасидан узоқлаштиришга ваъда берди. Бироқ бизни қуруқ ваъдалар эмас, амалий ишлар қизиқтиради», деди Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон мамлакат халқига мурожаат қилиб.

Б. Клинтон Форс кўрфази минтақасига 350 жанговар самолёт жўнатишга кўрсатма берганини айтди. Бундан ташқари кўрфазга «Жорж Вашингтон» авианосеци, ракета крейсерлари, АҚШ армиясининг денгиз пиёдалари ҳамда механизациялашган махсус гуруҳи ҳам йўлланмоқда.

ЖАНГАРИЛАРГА ҚАРШИ ОПЕРАЦИЯ

● НИКОСИЯ. Ўтган кунлари Туркия ҳарбийлари мамлакат жанубий-шарқида автономия талаб қилаётган курд ишчи партияси жангариларига қарши операциялар ўтказди.

Бу тадбир натижасида 22 террорчи ўлдирилди, кўплаб қурол-аслаҳа қўлга олинди. Тўқнашувларда Туркия ҳарбийларидан олти аскар ҳам ҳалок бўлди.

ТИНЧЛИК ШАРТНОМАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

● БАЙРУТ. Яқин Шарқ бўйлаб сафар қилаётган АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер 11 октябрь куни Дамашқда Ҳафиз Асад билан музокаралар ўтказди. Унда Исроил билан Сурия ўртасида имзоланадиган тинчлик шартномаси муҳокама қилинди.

Сурия ташқи ишлар вазири Фаруқ Шараа Исроил телевидениеси мухбири билан суҳбатда Тель-Авив 1967 йилда босиб олган Сурияга тегишли Жўлон тепалигидан ўз армиясини олиб чиқиб кетса, Дамашқ тинчлик ҳақидаги битимни қабул қилишга тайёрлигини таъкидлади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Мирзо УЛУҒБЕК таваллудининг 600 йиллигига

ҒИЁСИДДИН ЖАМШИД Ал-Кошийй

"Улуғбек ва унинг Самарқандаги илмий фаолияти ҳақида мактуб"

Маълумки, Улуғбек даври, тарихи, ўша заминда яшаган олимлар ҳақида тарихчилар қимматли маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Лекин бу манбалар орасида энг қимматлиларидан бири нима учундир ҳозиргача кўпчиликка маълум эмас. Бу Ғиёсиддин Жамшид ал-Кошийнинг "Улуғбек ва унинг Самарқанддаги илмий фаолияти ҳақида мактуб" асаридир. Қимматли бу асар Эроннинг Сипоҳсалор масжиди кутубхонасида сақланган бўлиб, форс тилида ёзилган. Ғиёсиддин Жамшид ал-Коший Самарқандда яшаётган пайтида отасига бир неча мактуб ёзган ва улардан бири бизнинг кунларимизгача етиб келган. Хатдан англашилишича, Ғиёсиддин отасидан мактуб олган ва отаси ҳам фалакиёт, математика илмларидан яхши хабардор бўлганлиги учун ўг лига бир неча саволлар билан мурожаат этган. Ғиёсиддин Самарқандга йўл олар экан, отаси унга кўпдан-кўп насиҳатлар қилганлиги, бегона юрт олимлари ўртасида ўз обрўсини туширмаслиги учун тинмай илм билан машғ ул бўлиши лозимлигини қайта-қайта уқтирганлиги кўриниб турибди. Шул сабабли Ғиёсиддин узоқдаги отасини тинчлантириш мақсадида ўз ютуқларини тўлиб- тошиб ёзган.

Хўш, Ғиёсиддин Жамшиднинг ўз отасига ёзган шахсий мактуби Улуғбек даврини ўрганишда қандай аҳамиятга эга? Шуни айтиш лозимки, Самарқандга келишидан олдин Хуросондаги бир неча илмий марказларда меҳнат қилган Ғиёсиддин Самарқанддаги илмий жараёнлар ва муҳитни ўз кўзи билан кўриб таққослаш имкониятига эга бўлди. Бу унинг мактубидан ҳам кўриниб турибди. Шу сабабли бу мактуб XV асрдаги Мовароуннаҳрнинг пойтахти Самарқанддаги илмий муҳитни Мирзо Улуғбек томонидан асос солинган Самарқанд Академиясини ва расадхонанинг барпо қилиниши тарихини ўрганишда қимматли манбадир. Ғиёсиддиннинг мактубда Самарқанд илмий муҳитдаги мунозаралар, баҳслар ва олимлар ўртасидаги муносабатлар ёрқин бўёқларда ифодаланган. Ғиёсиддиннинг бу мактуби, айниқса, Мирзо Улуғбекнинг ҳам инсон, ҳам олим ва ҳукмдор сифатидаги фаолиятини ўрганишда қимматга эга. Улуғбек Мовароуннаҳр подшоси бўлишга, фан оламида юқори мартабага эришганига қарамай, илмда йўл қўйган хатоси оддий бир олим томонидан исбот қилинса, чин кўнгилдан уни қабул қилиб миннатдорчилик билдирган.

Бу хат Мирзо Улуғбек билан кечаю-кундуз ёнма-ён бўлган кишиники эканлиги учун кўплаб олимлар диққатини ўзига тортади. Мактубни илк марта Эрон олими М. Табатабаий 1940 йили Теҳронда форс тилида нашр эттирди. Сўнгра Анқара дорилфунунининг профессори Айдин Сойилий Анқарада турк ва инглиз тилларида чиқартирди. 1960 йили мактубни итальян олими Э. Кенниди Римда инглиз тилида нашр эттирди, 1963 йили эса мактуб Мисрда профессор Аҳмад Саид Дамардаш томонидан араб тилида чоп эттирилди. 1973 йили Ғиёсиддиннинг мактубини Г. Собиров ва Н. Бобоевлар Душанбеда рус тилида чиқаришди. Кейинроқ бу тарихий манба Тошкентда Д. Юсупова томонидан рус тилига ўгирилиб, қимматли шарҳлар билан бойитилиб, нашр эттирилди. Аммо, ўзбек ўқувчилари бу асардан ўз она тилида ўқишдан бебаҳра қолиб келдилар. Мен ушбу қимматли манбани ўзбек тилига ағдариб, бунда Д. Юсупов ва Г. Собировларнинг таржималаридан фойдаландим. Шу ўринда Ғиёсиддин Жамшид ҳақида бир-икки оғиз сўз.

У Эроннинг Теҳрон ва Исфаҳон шаҳарлари ўртасида жойлашган Кошон шаҳрида таваллуд топган. Туғилган йили номаълум. Болалигидан математика ва астрономияга иштиёқи зўр бўлган Ғиёсиддин бу фанларни катта ғайрат билан ўрганди. Уни Амир Темурнинг чевараси, Шоҳруҳнинг невараси Жалолиддин Искандар ўз саройига ишга таклиф этади. Саройдаги қулай шароитдан фойдаланиб, у математика ва астрономияга оид бир қанча қимматли рисолалар ёзиб, ҳукмдор Жалолиддин Искандарга бағишлайди. У 1414 йили Ҳиротта келади. Бу ерда ҳам сарой олими сифатида қизғин илм билан шуғулланади ва Мирзо Шоҳруҳга бағишлаб "Ҳоқоний зижи" номли асарини ёзади. Астрономия фанида эришган катта ютуқларини эшитган Мирзо Улуғбек уни Самарқандга таклиф этади. Ғиёсиддин 1417 йилда Самарқандга келиб, то умрининг охири — 1429 йилгача шу шаҳарда яшайди.

Кўпчилик олимларнинг фикрича, Ғиёсиддин отасига ёзган ушбу хат 1418-20 йилларда битилган бўлиши мумкин.

МАКТУБ

БУЗРУКВОРИМНИНГ қўлларини ўпишга етишиш ҳаракати ва истаги шу даражада зўрким, бини таърифи шундайдир:

"Агар барча денгиз Парвардигоримнинг сўзлари учун сиёҳ бўлса ва яна шунча сиёҳ келтирсак ҳам Парвардигоримнинг сўзлари битишдан илгари, у денгизлар тугаб битар" (Қуръон ояти — **тарж.**). Улуғ ва қудратли Оллоҳ ўз марҳамати ва карами билан мени бундай бахтга етишга муяссар этсин. Ҳурматим ва эҳтиромим изҳори бўлган бу мактуб муқаддас зулҳижжа ойнинг 7-кунида битилди. Сиз ўз насиҳатингизда, мен расадхона ишлари билан бандлигимда, бошқа фанлар билан айниқса, шеърият билан машғул бўлмаслигимни, бу фанлар менинг хаёлимни чалғитишини, кишилар одамга баҳо беришда, кейин шуғулланган фанда эришган ютуқларига қараб баҳо беришларини айттандингиз. Сизнинг бу гапларингиз ҳақдир ва мен бунга доимо риоя қиламан. Аммо одамларнинг бу фикрларига менинг ўз жавобим бордир.

Мен бундан олдинроқ, анча мукаммал ёзилган ва Кўмлик савдогарлар орқали юборган ўз мактубимда бу ҳақда ёзгандим. Лекин бу ҳақда яна такрор ёзмоқдаманким, бу икки хатдан бирортаси етиб бориб сизнинг қимматли назарингизга сазовор бўлғ ай.

Гап шундаким, Кошонда ва унинг атрофида бир-икки киши илм билан шуғулланиб, бу илмдан яхши хабардор бўлмасалар-да, ўз яқинларини ишонтиришади, айримлари ўз билимларига эга бўлсалар-да, уларни ҳеч ким тан олмайди. Ҳақиқий аҳвол эса уларнинг ҳеч бирларига маълум эмасдир. Самарқандда (Оллоҳ уни бало офатлардан асрасин) эса аҳвол бундай эмасдир. Чунки Ислом оламининг султони (Мирзо Улуғбек — **тарж.**) олим инсондир.

Тангри шоҳид, мен бу гапларни илтифот юзасидан битаётганим йўқдир. Ҳақиқат шундирким, биринчидан, у муқаддас Қуръоннинг катта қисмини ва унга ёзилган шарҳларни ёддан билади. У киши бирор айтган фикирларини тасдиқлаш учун Қуръоннинг дахлдор оятини келтирадилар. У киши ҳар куни, Қуръонни тўлиқ биладиган қорилар ҳузурида икки сурани ҳеч бир хатосиз ўқийдилар. Араб тилининг грамматикаси ва синтаксисини яхши биладилар. Арабчада бағоят яхши ёзадилар. Шунингдек, Ҳазрати Олийлари қонуншуносликдан яхши хабардор, мантиқ ва адабиёт назарияси ҳамда мусиқанинг назарий асосларини пухта биладилар. Ҳазрати Олийлари математиканинг барча соҳаларини яхши биладилар. Бир куни у киши от устида кетаётиб, 818 йил ражаб ойининг ўн-ўн бешинчи кунларига тўғри келувчи душанба куни қуёш йилининг қайси фаслига тўғри келишини билмоқчи бўлдилар. У киши от устидаёқ ёддан бу масалани аниқ ҳал этиб, ерга тушгач, натижани текшириб кўришни мендан сўрадилар. Ҳақиқатан ҳам, бу жумбоқни ҳал қилиш учун киши ўз ёдида жуда кўп рақамларни сақлаш лозимдир. Бошқа бир киши ҳам бу масалани ҳал қилмоқчи бўлган эди, бунга унинг ақли етмади. Бундай оғир масалани ҳал этишга менинг бирорта ҳам замондошим қодир эмас, бини ҳеч ким ҳал эта олмайди. Шуни айтишим лозимки, бу илмда у киши беқиёсдир. У киши астрономик ҳодисалар ҳақида ўзларининг кескин далилларини келтирадилар ва мос қоидаларни жорий эта оладилар. У киши Насриддиннинг "Тазкиралари" ва "Туҳфа" рисолалари ҳақида шу даражада мукаммал маъруза қиладиларким, бунга бирор нарса қўшиш мумкин эмасдир. Иккинчидан, ҳозир Самарқандда ҳар хил фанлардан яхши билим беришга қодир энг машҳур алломалар ва мударрислар тўпланганлар.

Уларнинг кўпчилиги математика билан машғулдирлар. Тўрт олим "Арифметика қўлланмаси" рисоласига, бир киши "Геометрия трактати"га шарҳ ёзди. Уларнинг энг билимдони Қозизода Румий бўлса, "Ал-мулхас филҳайа" ва "Ашкалот таъсис" рисолаларига шарҳлар ёзади. Бу ерда, шунингдек, жуда кўплаб астрономлар ва ҳисобчилар тўпланганлар. Шундай қилиб, Самарқандда ҳозир мавжуд бўлган барча фанлардан энг кўп билимдонлар тўпланганлар. Шуни айтмоқчиманки, камтарин қулингиз бу ерга келганида бу ердаги олимлар, менинг кимлигимни ва билимим қай даражада эканлигини билиш учун назарларини менга қаратдилар. Ҳар неча кунда Шоҳ ҳазрати олийлари шахсан илмий машғулотларда қатнашадилар, ўша кунлари эса ҳамиша математикага оид мусоҳабалар бўларди. Бу машғулотларга қатнашиш менга ҳам насиб этди.

Бу ерда талабалар қуйдагича имтиҳон қилинадилар: машғулотга ташриф буюрганлар бугун қандай масала муҳокама қилинишини билмайди, бир неча талаба эса бу масалага олдиндан пухта тайёрланиб, ўз билимларини мустаҳкамлаб оладилар. Доимо баҳс бошланганида камтарин қулингиз Оллоҳнинг марҳамати ва ҳукмдорнинг раҳнамолиги билан бу илмий мунозараларга қатнаша бошладим. Мен улар ўқиган рисолаларда учрамаган янги фикирларимни айтиб ва уларнинг фикрларидаги айрим хатоликларни исботлаб, барчанинг ҳайратига сазовор бўлдим.

Мен бу ерга келгунимга қадар, улар баъзи масалалардан анча баҳслашган эканлар. Улар узундан-узоқ баҳслашиб, уларнинг бу мунозараларини ҳеч ким еча олмаган экан. Мисол учун улар диаметри бир газлик (газқадимги Шарқда узунлик ўлчови, ҳозирги 62 см. га тенг — **тарж.**) астролябия ясашиб, унда 1022 юлдуз ҳолатини ифодаламоқчи бўлишибди. Бунинг учун юлдузлар билан бирга меридиан чизиғини кесиб ўтадиган нуқта билан Экватордаги баҳорги тенг кунлик нуқтаси ўртасидаги масофани билиш лозим бўлади. Барча ҳисобчи олимларга ҳамкорликда ишлашга буйруқ берилди. "Элхоний зижи" (Мароғдаги расадхонада Насриддин Тусий томонидан тузилган юлдузлар жадвали — **тарж.**) асосида ҳаракатланмайдиган 150 юлдузнинг ҳолат и ҳақида керакли маълумотларни олиш мумкин эмаслигини билишиб, улар танг қолганлар. Улар математикларга мурожаат қилишиб, геометрик қоидалар асосида ҳисоб-китоб қилишларини ва шу тахлитда масалани ойдинлаштиришни сўраганлар. Аммо ҳеч ким буни еча олмаган. Муаммо шундаким, улар экватордаги баҳорги тенг кунлик нуқтасидан бу юлдузлар меридианни кесиб ўтадиган нуқта ўртасидаги масофани "Элхоний зижи"даги юзаки маълумотлар асосида глобус ёким астролябияга туширганлар. Бу маълумотлар юлдузларнинг ҳақиқий ҳолатларига тўғ ри келмайди. Мисол учун, энг ёрқин юлдузлардан бири "Икки бузоқ" шундай жойлаштирилганким бу унинг "Кичик Айиқ" туркумидаги ҳақиқий ҳолатига зиддир. Улар ҳар қанча бош қотирмасинлар бу муаммони еча олмаганлар. Камтарин қулингиз келган куни Ҳазрати Олийлари қатнашган илмий мунозарада бу масала яна муҳокама қилинди. Мен бу мунозарада қатнашиб, муҳокама этилаётган масалада "Элхоний зижи"ни қандай тушуниш кераклигини ва уларнинг хатолари сабабларини айтиб, бу юлдузлардан бирининг ҳақиқий ҳолатини тўғри кўрсатиб бердим. Менинг масалани бу хилда ечишим Ҳазрати Олийларига ва математикларга хуш келди. Қисқаси, бу масала менга топширилди ва мен уни охиригача ҳал қилдим.

Олимлар Ҳазрати Олийларининг саройи деворига вақтни ўлчаш учун нивелир линейкасини ўрнатмоқчи бўлдилар. Деворнинг сирти ўз ялпоқлиги билан меридианнинг бошланғ ич азимутига мос келмаслиги ва бу хилдаги соат аввал ҳеч ерда бўлмаганлиги учун бу юмушни қандай бажаришни ҳеч ким билмасди. Айримларнинг фикрича, бу юмуш бир йил давомида, ҳар куни Қуёш маълум бир фалак буржининг бошига етганида кузатилиб, ҳар бир соатнинг линиясини белгилаб бориш йўли билангина бажарилиши мумкиндир. Камтарин қулингиздан бу юмушни бажаришни сўраганларида мен бини бир кунда бажардим

Астролябия ёрдамида текширишганда менинг ҳисобларим тўппа-тўғри чиқди. Улар, шунингдек, бу соатнинг сиртида, ҳар куни Абу ҳанифа (тахаллуси Имоми Аъзам суннийликдаги ҳанафия маҳзабининг асосчиси—**тарж.**) маҳзаби бўйича пешин намози вақти етгандагина қуёш нури ўтиб, бошқа маҳалда унга Қуёш нури тушмайдиган бир тешик ясашни сўрадилар. Бу юмушни ҳам ўша кундаёқ бажардим. Бу хилдаги масалалар деярли тез-тез бўлиб туради.

Энди расадхона ҳақида гаплашсак. Ҳазрати Олийлари ёшлигида Мароғдаги (XIII асрда Озарбайжонда барпо қилинган расадхона — **тарж.**) расадхонани кўрган эканлар ва шу сабабли кўп нарса у кишининг ёдларидан кўтарилган экан. Ўзлари менга: "Мен у расадхона ҳақида аниқ тасаввурга эга эмасман",— деб айтдилар. Камтарин қулингиз бу ерга келгунича, Ҳазрати Олийларига бу расадхона тоғ этагида одамлар ўтирадиган жойда, деб айттан эканлар. Расадхона учун диаметри 6 газлик икки ҳалқа қўйилган бўлиб, эклиптиканинг оғиши ва Птоломей (Ғиёсиддин Жамшид уни Батлаймус, деб атайди—**тарж.**) усулида қуёш ҳаракатини текширишга мўлжалланган. Аммо бу асбоб кўп камчиликларга эга эди, чунки Птоломейдан сўнг бу асбобни ясашда ҳар хил ўзгартишларга йўл қўйилган эди. Буидан ташқари Мароғ расадхонаси ўртасида ўрнатилган геометрик шаклдаги асобобнинг вазифасини ҳеч ким билмасди. Камтарин қулингиз Ҳазрати Олийларига бу асбоб ўрнатилган жойда қандай оғ ишлар бўлиши ҳақида ҳам айтдим. Мен, шунингдек, Озуд ад Давла (978-997 йилларда Боғдод ҳукмдори—**тарж.**) даврида ясалган, диаметри 10 газлик халқа ҳақида ҳам айтдим. Бу халқанинг ўрнида Мароғ расадхонасида ўрнатилган "Фахри судсий" (X асрда яшаган астроном ва математик ал-Хўжандий томонидан яратилган— **тарж.**) деган асбоб ҳақида ҳам айтдим. Шундан сўнг Ҳазрати Олийлари бу ҳалқани синдириб, менинг таклифим бўйича "Фахри судсий"га ўхшаш асбоб яратишни буюрдилар. Бу воқеа Самарқанднинг барча машҳур кишиларига маълум бўлди. Бу ерда илмий мунозаралар деярли ҳар куни юз бериб, ҳукмдорнинг раҳнамоликлари ва хайрихоҳликлари туфайли бу мунозаралардаги ҳар хил мушкуллик ва англашилмовчиликларни ҳал қиламан. Бир куни Ҳазрати Султон (Оллоҳ унинг подшолигини барқарор қилсин) илм билан машғул эдилар, бу машғулотда Қозизода Румий ҳам бор эди. Ҳазрати Олийлари ўқиган бир рисолаларида "Масъудий қонуни"дан (Абу Райҳон Беруний нинг илмий асари — **тарж.**) келтирилган бир исботни учратганликларини ва уни яна бир бор текширмоқчи эканликларини айтдилар. Ҳазрати Султон дарҳол "Масъудий қонуни" китобини келтиришни буюрдилар. Қозизода Румий бу юмушни бажаришни ўз зиммасига олиб, машғулотнинг охиригача ҳам уни ҳал эта олмади. Шундан сўнг, Қозизода бу юмушни уйида шошилмасдан бажариш учун китобни олиб кетди. У икки кундан сўнг китобни олиб келиб, китобнинг ушбу нусхасини айнан керакли жойида англашилмовчилик бор. Бу нусха билан масалани ойдинлаштириб бўлмайди, бунинг учун китобнинг бошқа нусхаси керак, деб айтди. Камтарин қулингиз икки кун мобайнида тоби йўқлиги туфайли уйидан чиқмаган эдим. Шундан сўнг мен мунозарада қатнашишга имкон топдим. Мен борганимда Қозизода ҳам илмий мунозарада ҳозир эди. Ҳазрати Олийларининг назарлари менга тушиб, "Мавлоно бу масалани сиз ҳал этсангиз" — дедилар. Мен, "Масъудий қонуни"ни қўлимга олиб, беш олти қатор ўқиб, масалани тўласинча изоҳлаб бердим. Асарнинг ушбу нусхасида ҳеч бир англашилмовчилик йўқ экан. Мен бу ерга келганимдан буён бу хилдаги воқеалар кўп бўлди. Уларнинг барчасини ёзишга вақт етмайдур. Шуни айтишим етарлики, бу илмий мунозараларда жуда кўп олимлар қатнашиб, ҳар бир кишининг билими, бошқаларнинг ва ўзининг бу киши ҳақидаги фикрларидан қатъи назар ҳолисона баҳоланади.

Мен бу ерга келганимдан сўнг бир неча марта илмий анжуманда маъруза қилдим. Бир марта мен "Туҳфа", "Ниҳоят ал-идрок", Мавлоно Низомиддин Нишопурий ва Саид Шарифларнинг "Тазкираларга шарҳлар" рисолаларида бир хилда эътироф этилган, аммо айрим хатоликларга эга бўлган масалалар ҳақида ўзимнинг ҳаққоний фикрларимни айтдим. Камтарин қулингиз ўз фикрларини, етти иқлим подшоси Ҳазрати Олийларининг ҳузурларида айтдим. Менинг бу маърузам оғ изма-оғ из ўтиб барча самарқандлик аҳли-донишларнинг қулоқларига етди. Улар менинг орқамдан: қандай қилиб, ҳеч бир далил исботсиз шундай улуғ олимларнинг фикрларини инкор қилиш мумкин, деган гапларни тарқатишди. Шундан сўнг бир илмий анжуманда, барча олимлар ҳузурида, юқоридаги баҳсли масалалардан бири ҳақида тўхталиб ўз фикримни геометрик йўл билан исботлаб бердим. Барча йиғ илганлар менинг фикримга қўшилдилар.

Етти иқлим подшоси, дунё таянчи Ҳазрати Олийлари Мирзо Улуғбек ўзлари катта олим бўлганликлари ва бу илмлардан яхши хабардор эканликлари ҳамда анжуманда машҳур олимлар қатнашаётганликлари туфайли менга ҳеч ким қарши чиқа олмади.

Бу куни, расадхона қурилаётган жойда меридиан линиясини аниқлаш учун ер текисланаётган эди. Бу ишга энг моҳир тоштарошлар жалб қилиниб, ер текисланди. Биз бу ерга меридиан линиясини аниқлаш учун йиғ илдик. Дастлаб, биз ернинг текислигини аниқламоқчи бўлдик. Ҳазрати Олийлари давлат таянчи (Оллоҳ унинг сиҳати ва давлатини барқарор қилсин), барча аслзодалар ва сарой аёнлари, олимлар, фан арбоблари,барчалари тоштарошларнинг ерни текислашга мўлжалланган асбоби атрофида тўпландик. Бу юмуш учун махсус, ҳамма томони тўрт газга эга бўлган учбурчаксимон асбоб ясалган эди. Машҳур меъморнинг ўғли, меъморлар раҳбари, дастлаб бу асбобнинг барча томонлари тенг эканлигини текшириш лозиммикин, — деди эҳтиёткорлик билан. Камтарин қулингиз, агар бу асбобнинг барча томонлари тенг бўлмаса ҳам ерни текислашга ярайди, деб айтдим. Қозизода Румий ва бошқа олимлар бу соҳадан яхши хабардор эканликлари туфайли бир овоздан: "Қандай қилиб, ҳеч қачон бундай бўлмайди", дейишди. Мен, ҳозир ҳаво анча тунд, қуёш ҳали унча тикка кўтарилган эмас, келинглар, ернинг текслигини аниқлаб олайлик, шундан сўнг мен ўз фикримни исботлаб бераман, дедим. Ер текисланиб бўлгач, улар яна юқоридаги баҳсга қайтишиб, менданўз гапимни исботлаб беришимни сўрадилар. Биз барчамиз ерга чўккаладик ва камтарин қулингиз тушунтиришга киришди. Тасаввур қилингким, учбурчакни сиз тенг деб ҳисоблаган икки томонидан бири бир газ қисқадир. Мен ерга худди шундай учбурчак чизиб бир соат давомида геометрик йўллар билан исботлар келтириб уларга тушинтирдим. Бу соҳада хабарлари бор кишилар менинг фикрларимни дарров тушундилар, бошқалари кечроқ бўлса-да, тушундилар. Оқибатда уларнинг барчалари менинг фикрларимни қабул қилдилар.

Камтарин қулингиз бу ерда 500 дан ошиқ аслзодалар ҳам борлигини назардан қочирмай, баҳслашган кишиларга қарата: "Мен барча исботларни келтирган бу масалани сиз 2 соат давомида еча оласизми? — деб айтдим. Барча йиғ илганлар: аёнлар ва оддий халқ бу баҳс қандай ечим топишини қизиқиш билан кузатиб туришарди. Чунки бундай мунозара расадхона қурилишида биринчи бор бўлаётган эди-да. Йиғилганлар менинг ҳақлигимга ишонганларидан сўнг обрўйим жуда ошиб кетди... Агар ким бу воқеани ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлса, тасаввур қилсин, мана от, мана чавандоз ва мана бепаён дала. Мактубим анча чўзилиб кетди шекилли, қисқаси шу хилдаги воқеалар бу ерда тез-тез содир бўлиб туради. Алқисса, сизнинг аллақандай Шамсиддин деган киши ўзини Мавлоно Бадриддиннинг олдига глобуссимон асбобни олиш учун келдим, деган гапи ҳақидаги сўроғингизга навбат етди. Гап шундаки, бу одам ёлғон сўзлабтур, биринчидан, бу ерда ҳеч қандай Шамсиддин деган киши йўқдир, иккинчидан, бу ерда ҳеч кимга шу хилдаги асбоб лозим эмасдур. Аммо, устоз Иброҳим мисгарга менинг уйимга келиб, ҳузуримда глобуссимон асбобни ясаш топширилган эди. Глобуссимон асбобни яратишда мисгарнинг вазифаси мушкулдир. Астролябияни яратишда эса ҳар иккала томоннинг ҳам вазифаси мушкулдир. Бундан ташқари, Мавлоно Бадриддинда бу хилдаги асбоб борлиги, умуман бу асбоб аввал ҳам яратилганлиги ҳақида бу ерда ҳеч қандай гап йўқдир. Саёҳатчилар жуда кўп ёлғонларни гапирадилар.

Аслида бу иш бошқача бўлганди, авлиёлар авлиёси Мавлоно Иброҳим (Оллоҳ унинг яхши ишларини сақласин), Мавлоно Бадриддиннинг гапига кўра, Мароғ даги расадхонада жуда кўп олимлар ишлаганликларига қарамай "Элхоний зижи"да жуда кўп хатоликлар борлигини айтганди. Бу фикрлар ўша зижни ўқиганларнинг билимлари етишмаслиги оқибатида пайдо бўлгандир. Ҳақиқатдан ҳам агар бу зижда айрим хатоликлар бўлганида ҳам Бадриддинга ўхшаганлар бунi топа олмасдилар. Улар хатоликлар бор деб ўйлайдиган жойларнинг барчаси тўғ ридир. Бу зиждаги тўғ ри келмайдиган жойлар, зиж яратилган даврдан буён ўтган кўп вақт туфайли пайдо бўлгандир. Мароғ расадхонасида олимлар жуда кўп бўлган, деган гап ҳақида тўхталсак, ҳақиқатдан битта олим ҳам етарлидир. Ўтмишдаги подшолар олимларга "зиж" тузиш ҳақида буйруқ берганларида, бу юмушга қанча одам лозимлигини ўзлари ҳам билмаганлар.Шул сабабли подшо ва олимлар ўртасидаги суҳбатлар сип-силлиқ ўтгандир. Самарқандда эса ҳукмдорнинг ўзлари шахсан расадхонани бошқарадилар ва бу ерда илмий кузатишлар билан машғ ул бўладилар. Шул сабабли бу ерда кўп одам бўлмаса ҳам унчалик ташвишли эмасдур. Птоломейнинг ўзи подшо эди ва унинг ўзи илмий кузатишлар билан шуғулланар эди. Бу ишни бир ёким икки киши бажарса бўлади, аммо бир кишига оғирлик қилади. Бини шундай тушунтирса бўлади, оғирлиги минг ман (ўрта асрларда оғ ирлик ўлчови) бўлган қояни бир икки киши кўтара олмайди, аммо оғирлиги минг ман бўлган ғаллани бир киши бемалол у ёқдан бу ёққа таший олади.

Астрономиядан сал-пал хабари бор бир гуруҳ кишилар йиллар давомида пуч гапларни гапириб юрибдилар. Ҳозир Самарқандда илмий кузатишлар олиб борилаётганлигини эшитиб улар бунга эътибор бермадилар ва ўзлари ҳақида ҳам қайғурмадилар. Улар астрономиядан кўп нарса билмасликларини яхши биладилар. Табиийким, улар, бировларнинг илмий хизматларини инкор этишиб бундан роҳат оладилар.Бадриддиндан ташқари шу хилдаги одамлар ҳам бордир. Агар бу одамлар Самарқандга келишиб, бу ердаги илмий мунозараларда қатнашиса, барча аслзодалар ва оддий халқ уларнинг гаплари пуч эканлигини англаган бўлардилар.

Ҳозир Самарқандда (Оллоҳ уни кулфатлардан сақласин) шу хилдаги 60-70 киши бордур. Уларни ҳамма математика билан шуғулланишади, деб ҳисоблашади. Ҳозир Самарқандда 10-12 йиллардан буён математика илми билан жуда чуқур шуғулланадилар. Ҳазрати Олийлари, дунё таянчининг ўзлари ҳам математика билан шуғулланадилар.Енгил-елпи гаплар билан машғул бўлиб, ўз камчиликларини тан олмайдиган Мавлоно Бадриддинни ҳам Оллоҳ ёрлақасин.

Ҳазрати Олийларининг менинг шаънимга айтган мақтовлари ҳақида юқорида ёзгандим. Ҳар ҳафтада дўстларим менга Олий Ҳазратларининг мақтовларини етказадилар. Бу Оллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, ўзи хоҳлаган кишиларга берур. Одам лар йиллар давомида ўз лавозмлари ва мавқелари бошқаларникига нисбатан баланд бўлишини истаб ҳаракат қиладилар. Аммо, жуда оз кишиларгагина бу насиб этади. Оллоҳга шукурларким, кўп йиллардан сўнг менга Самарқанддек улкан шаҳарга келиб катта олимлар гуруҳига қўшилиш ва донишманд, етти иқлим подшоси, ўз яқинлари ва халқи учун қайғурувчи олим даврасига етишиш насиб этди.

Оллоҳнинг марҳамати ва ададсиз саҳийликлари туфайли ҳамда сизнинг тинимсиз ҳаракатларингиз сабабли мен ўзимни шундай даражада намоён қилиб, Ҳазрати Олийларининг мақтовларига сазовор бўлдим. Агар Ҳазрати Олийлари одамлар ҳаёти билан қизиқмаса эди, яхши ишлар унга ёмон, ёмон ишлар эса яхши деб кўрсатилар эди. Ҳазрати Олийлари ўз атрофидагилар билан шу даражада яқинки,барчасини аҳволларини жуда яхши биладилар. Нега юлдузларни кузатиш илмини бир йилда тугаллаб бўлмайди, дея сўрайдиганларга шуни айтиш лозимки, бу ишни бир йилда тугаллаб бўлмайди, унга 10 йиллар керакдир. Чунки ҳар бир сайёрани кузатиш учун қулай маълум ҳолатни топишга бир неча йиллар керакдир. Бир йил давомида барча сайёраларнинг ҳолатини кузатиш асло мумкин эмасдир. Шу сабабли сайёра керакли ҳолатга келиши учун уни бир неча йиллар кутиш керак. Агар ўша пайтда осмонда булут пайдо бўлиб қолса, қулай имконият бой берилади ва уни яна бир неча йиллар кутишга тўғ ри келади. Шу сабабли астрономик кузатишлар 10-15 йилларни талаб этади. Умид қиламанки, раҳмдил ва қудратли Оллоҳ бизга узоқ умр ато этиб, Ислом олами ҳукмдорининг раҳбарлигида бу кузатишлар ўз вақтида бахтли якунини топади, иншооллоҳ. Ҳозир расадхонанинг катта қисми қуриб бўлинди. 500 туман пишиқ ғишт ва ганч ишлатиб, ҳозир битта "зат-ал-ҳалқ" (расадхонадаги асбоблардан бири — **тарж.**) қуриб битказилди. Бошқа бир асбобнинг эса ярми битказилди. Мени Қозизода Румий ҳақида ёзганларимда, одамлар бу икковлари ўртасида келишмовчилик бор экан, деб ўйлашмасинлар. Камтарин қулингиз ва Қозизода иккаламиз жуда аҳил ва иноқмиз, унинг менга нисбатан катта ҳурмати бор. У ҳақиқатни инкор қилиб, адолатсиз қиладиган киши эмас. Мени Қозизода ҳақида айтган гапларимни унинг ўзи ҳам кўпчилик олдида гапирган. У билган нарсаларни гапиради, билмаганларини эса тан олади. Расадхонада амалга оширилаётган ишлар менинг ҳазрати Олийларига айттан фикрларим асосида бажарилмоқда. Масалан, расадхона лойиҳаси ва ундаги асбобларнинг жойланиши менинг фикрим асосида бажарилди. Ҳазрати Олийлари менинг сўзларимни эшитиб одилона баҳолайдилар. Ўзига маъқул келган ғояни дарҳол бажаришга буйруқ берадилар. Масала шундаким, унинг хулосалари ҳар қандай хатоликлардан холидир. Агар бизда ҳам Ҳазрати Олийларининг фикрларига нисбатан эътироз пайдо бўлса дарҳол муҳокама қилинади. Агар бирор жиддий камчилик аниқланса, бу камчилик ким томонидан айтилишидан қатъи назар Ҳазрати Олийлари дарҳол уни қабул қиладилар. Чунки у киши расадхона ҳар томонлама мукаммал бўлиб, олиб бориладиган илмий кузатувлар ҳам ғоятда етук бўлишини истайдилар. Бу хислатлар Ҳазрати Олийларининг қалби ғоят кенг ва пок эканлигидан дарак беради. Кўпинча мадрасада Ҳазрати Олийлари ва талабалар ўртасида фаннинг турли соҳалари бўйича шундай мунозаралар бўладиким, уни таърифлашга ожизман. У ҳаттоким, мунозарада бор ҳақиқат очилиб, ҳамма бир хил хулосага келмагунча, назокат юзасидан гўёким ҳамма нарса ойдиндек жим турмаслик ҳақида ҳам буйруқ берди. Баъзан кимдир Ҳазрати Олийларининг обрўйи туфайли унинг фикрига сўзсиз қўшилса ёким тасдиқласа у норози бўлиб: "Мени билимсиз дея алдаманглар" — дейдилар. Баъзан текшириш учун ечими нотўғри бўлган хулосани ўртага ташлайдилар. Агар кимдир унга бўлган ҳурмати туфайли дарҳол бу хулосани маъқулласа ўша кишининг шармандасини чиқаради. Юқорида айтган асбоб тайёр бўлгач, уни расадхонага келтиради.

Агар бу ерда бирор иш бажариладиган бўлса, айтайлиқ меридиан линияси аниқланадиган бўлса Қозизода Румий ҳам бу ерда ҳозир бўлади. Агар қандайдир муаммо чиқса, у ўзининг фикрини айтиб ё тасдиқлайди ёким инкор этади. Бошқа олимлар ҳам келишиб расадхона қурилишида фойдали ишларни бажармоқдалар. Ҳали қийин ишларнинг мавруди етган эмасдур, чунки расадхона қурилиши давом этмоқда. Қурилиши якунлангач ва барча асбоблар жойжойига ўрнатилгач, юлдузлар ҳақида ҳақиқий илмий кузатишлар бошланади. Эзмалик қилиш унчалик одобдан эмасдур. Илоҳо, сизнинг улуғ соянгиз абадий бўлгай!

Сизнинг энг камтарин қулингиз ҒИЁС.

Таржимон Амриддин БЕРДИМУРОДОВ,
Ўзбекистон Республикаси ФА Археология институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди.

Соғлом авлод учун

"БОШИМИЗ ЁСТИҚҚА ЕТМАСДАН БУРУН..."

Темирхон ЖАЛОЛОВ асли Косонсойдан. Тошкент Давлат тиббиёт институтини 60-йили имтиёзли диплом билан тугатган. Номзодлик ишини ҳимоя қилгач, Тошкентда, кейин Самарқандда ишлади. Сўнг 1980 йили Москвадаги Бутуниттифоқ кардиология марказига қарашли илмий текшириш институтига борди. Докторликни ҳимоя қилди. Бу алоҳида мавзу...



Темирхон ака билан суҳбатлашсангиз зерикмайсиз. Айримлар э, бу дўхтир зоти борки, ҳаммаси илмий тилда гаплашади, деб киноя қилганини ҳам эшиттанман. Йўқ, у киши суҳбати жанон.

Семашко номидаги тиббиёт тикланиши ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтида илмий гуруҳ раҳбари бўлиб ишлаганида у соғлом бўлсагина амалга ошади.

— Соғлом юрак ҳақида гапиряпсиз. Кўпинча эшитиб қоламиз: "Фалончининг юраги чатоқ экан, инфаркт бўлибди" деган гапларни. Умуман инфарктнинг ўзи нима?

— Бу хасталик. Бизнинг тилимизда миокард инфаркти дейилади. У кўкрак қисшининг сўнгги босқичи бўлиб, оғриқнинг Булар юрагимизни азоблайди. Сиз чекмайсиз, биламан. Лекин чекадиган дўстингизнинг у тамакини босиб-босиб тортаётганида юрагини бир ушлаб кўринг. Тез ураётганини сезасиз. Буям юракка тушадиган катта юк.

Энди шу ўринда ичиш ҳақида ҳам кўп учрашганмиз. Лекин бафуржа гурунглашишнинг мавриди бўлмаган. Яқинда яна уни йўқлаб ҳозирги кунда ишлаётган жойи — беморлар ва ногиронларнинг меҳнат қобилиятини аниқлаш ва тиклаш институтининг клиникасига бордим. У камтарона оҳангда: "Ука, мен ҳақимда эзгандан кўра, шу мақола баҳонасида одамлар ўз юраклари ҳақида кўпроқ маълумот олганлари яхшироқмикан?" деб қўйди. Шундай қилиб, суҳбатимиз бошланди:

— Домла, кўпчилигимиз ўзимизнинг тириклигимизни англатиб турадиган миттигина юрак ҳақида камроқ маълумотга эгамиз. Келинг, гапни шундан бошлайлик.

— Юрак одам жисмидаги барча тўқималарни қон билан таъминлаб турадиган ўзига хос еки техник "тил"да айтадиган бўлсам, жонли мотор ҳисобланади. Ажойиб ва мукаммал имкониятга эга бўлган юракка қойил қолмасдан илож йўқ. Бир гапни айтай, ўзи муштдек, лекин бебаҳо бу мўъжизани баъзан ишдан чиқариб қўймаслик ҳақида кам қайғурамиз. Унинг фаолияти одам туғилмасидан аввал бошланиб, ҳаётнинг охиригача давом этади. Биз бўлсак, юракнинг бир дақиқада 70-80 марта қисқариб-кенгайишини оддийгина қилиб "юрак уряпти" деб юрамиз. Аммо бу ҳаракат бир кунда юз минг марта такрорланади. Бундай бетиним ишлайдиган "мотор" фаолиятини ҳеч нарсага қиеслаб бўлмайди.

Тасаввур қилинг. У артерия томирларига бир минутда 30 литргача, бир йилда эса 3 миллион литрдан кўпроқ қонни ҳайдаб беради. Юракнинг қисқариш жараёни киши танасининг талабига мувофиқ ўзгариб туради. Оддийгина мисол. Иш вақтида, ҳаяжонланганда, совуқ ва иссиқ ҳавода унинг тез ва секин уриши билан мослашиб тургани кузатилади. Бу мураккаб фаолият кучли кечиши, бир неча дақиқа, ҳатто бир неча соат давом этиши билан белгиланади. Баъзан бундай беморлар ҳаво етишмаса нафаси бўғилади, ҳарсиллайди. Юзини совуқ тер босади. Юзлари, лаблари кўкариб кетади. Шунинг учун юракда оғриқ пайдо бўлдими, зудлик билан "Тез ёрдам"ни чақириш керак. Миокард инфарктининг оғриғи ҳамма вақт ҳам кўкракда эмас, баъзан чап елкадан, чап кўкракда, иякдан, қўлдан еки тиш оғриғи, баъзиларда қорин оғриғи, кўнгли айниб қайд қилиш билан, қон айланиши бузилган ҳолатда, айрим кексаларда эса оғриқсиз нафас қисиши билан ҳам бошланиши мумкин. Ҳозирги кунда бу хасталикни даволаш анча такомиллашган.

— Гоҳо юрак хасталикларининг кўпайишига жисмоний меҳнат билан кам шуғулланаётганлигимиз ҳам сабаб бўлмаяптимикан, деб ўйлаб қоламан?

— Қисқача айтадиган бўлсам, атеросклероз касаллиги ва унинг оқибатида юрак ишемик касаллигининг келиб чиқишига кўп омилларнинг таъсири бор. Улар 35 тадан кўпроқ. Академик Бергнинг айтишича, бундан 100 йил аввал одамлар ўзлари учун зарур бўлган ишларнинг 95 фоизини мускул қуввати, яъни жисмоний иш воситасида бажарган бўлсалар, ҳозир буларнинг 99 фоизини техника воситалари бажарянти. Бу эса танадаги ҳар хил фаолиятнинг, жумладан, юрак ва қон-томирларининг бузилишини келтириб чиқармоқда.

— Чекишнинг ҳам "фойдаси"борми?

— Нимасини айтасиз, бу емон одат. У юракнинг ишемик касаллигини келтириб чиқаришда кўпроқ кўмаклашувчи сабаблардан бири. Маълумки, тамаки тутуни таркибида никотиндан ташқари ис гази, водород цианид, азот оксидлари каби ўта заҳарли моддалар ҳам бор. ҳам айтиб ўтмасам бўлмас. Сиртли ичимликларни кўп истеъмол қилиш асаб тизими фаолиятини ишдан чиқаради. Оқибатда невроз дарди пайдо бўлади. Шу невроз юрак ишемик касаллигини келтириб чиқарувчи омиллардан бири дегани-да. Шунинг учун ҳам кузатувларимизнинг натижасига кўра, чекувчи ва ичувчилар орасида бундай одатларга ўрганмаганларга нисбатан юқоридаги касаллик кўп учрайди.

Яна бир жиҳати, турли воқеалардан ўта асабийлашиш, етарли дам олмаслик, зўриқиб ишлаш ҳам одамларда артерия қон босимининг ошиб кетишига, юракнинг ишемик касаллиги ривожланишига шароит яратади. Яна бир гап. Меъёр билан овқатланишнинг ҳам муҳим томонлари бор.

— Сиз 80-йилларда Москвада юрак хасталиклари бўйича йирик мутахассис академик Чазов билан ишлагансиз. Шу ҳақда гапириб берсангиз?

— Чазов жуда ғаройиб истеъдод соҳиби эди. Ундан мақтов гап эшитиш ҳар кимга ҳам насиб қилмаган. Шунингдек, унинг синовидан камдан-кам одам ўтган. Жуда синчков ва қаттиққўл одам. Мен ҳам маълум муддат у киши билан ишладим. Шуларнинг қўлида докторликни ҳимоя қилдим. У ҳеч кимни, ҳеч нарсани назардан қочирмасди. Кичкинагина тадқиқот бўлса ҳам катта назар билан қарарди. Айниқса, унинг Шарқ тиббиётига ҳурмати баланд, шу жумладан, ўзбек тиббиётчиларини ҳам ҳурмат қиларди.

— Тилакларингизни билсак?

— Соғлиқ ҳамма нарсадан қимматли. Лекин биз кўпинча унинг қадрига етмаймиз. Бошимиз ёстиққа етганида кўзимиз очилади. Гапнинг индаллоси, ҳар бир инсон хаста бўлмасидан аввал ўз сиҳат-саломатлигини ўйласин, дейман.

Анвар АБДУВАЛИ
суҳбатлашди.

Спорт

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Шу кунларда миллионлаб спорт мухлисларининг диққат-эътибори Хиросимага қараган. Бу ерда ўтказилаётган Осиё ўйинларида 40 дан ортиқ мамлакат вакиллари совринли ўринлар учун баҳслашмоқдалар. Нуфузли мусобақада илк марта мустақил равишда иштирок этаётган Ватанимиз спортчилари ҳам ишончли оқлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Эшкак эшувчиларимиз кўпчиликни қувонтиришди. Хусусан, Иван Киреев 500 ва 1000 метрли масофада махорат кўрсатиб республикамиз терма жамоаси ҳисобига дастлабки олтин медалларни келтирди. Шунингдек, Андрей Колганов билан Владимир Казанцевлар медаллар шодасини кумуш нишонлар билан бойитдилар. Бир кишилик байдаркада баҳслашган Евгений Останин билан Ирина Лялина ҳам иккита кумуш медаль келтиришди. Ирина Журавлева билан Инна Исаковалар бронза медаллари сохиби бўлишди. Каноэчилар Андрей Ғорелов билан Виталий Сорокинлар ғолиблик супасининг учинчи поғонасини банд этишди.

Спортнинг бошқа турларида ҳам вакилларимиз совринли ўринларга даъвогарлик қилишмоқда. Хусусан, мерганларимиздан Шуҳрат Аҳмедов, Эркин Осмонов ва Николай Репичевлар бронза медалларига эга бўлишди. Боксчи Наримон Отаев кумуш медални қўлга киритган бўлса, Алишер Авазбоев, Дилшод Ёрбеков, Олег Маскаевлар бронза медали билан қаноатландилар. Спортчиларимизнинг бугунгача қўлга киритган медаллари жами 24 тадан ошди. Енгил атлетикачи Анвар Кўчмуродов 100 метрга югуришда финалга чиқиб, совринли ўринлардан бирига даъвогар бўлиб турибди.

Футболчиларимиз эса ҳал қилувчи ўйинлар сари одимламоқдалар. Улар чорак финал учрашувида Туркманистон футболчилари билан майдонга тушиб, дарвозага учта жавобсиз тўп киритишди. Тўпларидан иккитасини И. Шквирин, биттасини А. Абдураимов дарвозага йўлладилар. Хитой—Саудия Арабистони жамоалари учрашувида 2:1 ҳисоби қайд этилди. Шундай қилиб, Ўзбекистон футболчилари ярим финалда Корея Республикаси ўйинчилари билан майдонга тушадиган бўлишди. Хитой футболчилари эса Қувайт жамоасини қабул қилади. Футболчиларимизнинг бу учрашувда ҳам омадлари келиб, мухлисларни қувонтирадилар, деб умид қиламиз.

Ҳайдар НОСИРОВ.

AI FAROSAT TECHNOLOGY INTERNATIONAL

ЎЗБЕК — АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ

MZ PACIFIC Inc., USA КОРПОРАЦИЯСИ БИЛАН БИРГАЛИКДА

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

НАЗОРАТ КАССА АППАРАТЛАРИ (SHARP, ROYAL, SAMSUNG)

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИГА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА ЮҚОРИ САВИЯЛИ ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШГА КАФОЛАТ БЕРАМИЗ, ЗАРУР БЎЛАДИГАН ҚИСМЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАЙМИЗ.

КАССИРЛАР, СОЛИҚ ИНСПЕКТОРЛАРИ ВА ТАЪМИРЛАШ БЎЙИЧА ТЕХНИКЛАРНИ ЎҚИТАМИЗ.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА ШАҲАР, ВИЛОЯТ ВА ТУМАН МАРКАЗЛАРИДАГИ ВАКИЛЛАРНИ КАССА АППАРАТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШДА ВА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

СЎМНИ БОШҚА ПУЛГА АЛМАШТИРИШГА ЁРДАМ БЕРАМИЗ.
СИЗНИНГ ЯҚИН ВА УЗОҚ ХОРИЖДАГИ ҲИСОБЛАРИНГИЗНИ ТЎЛАЙМИЗ

БИЗНИНГ ДОИМИЙ ИШЛАЁТГАН КАССА АППАРАТЛАРИ САВДО КЎРГАЗМАМИЗГА ТАШРИФ БУЮРИНГ.

МАНЗИЛИМИЗ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 700083, БУЮК ТУРОН КЎЧАСИ, 41.

БИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАР: 33-91-92, 33-65-07, 32-55-18

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАЛАРИ, ЗАВОД, ФАБРИКА, ФИРМА, БРОКЕР ВА САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТДАГИ "САНОАТ МОЛЛАРИ" ХИСОБДОРЛИК ЯЛПИ - ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ СИЗНИНГ МАҲСУЛОТИНГИЗНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ САВДО ШОХОБЧАЛАРИДА СОТИШДА ЎЗ ХИЗМАТИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЮНУСОБОД ТУМАНИ, Ҳ.СУЛАЙМОНОВА КЎЧАСИ, 49,2-ҚАВАТ.

ТЕЛЕФОНЛАР: 33-57-42,
33-37-31-САНОАТ БЎЛИМИ

"ВИДЭЛ" САЁҲАТ БЮРОСИ САЙЁҲЛИК ЙЎЛЛАНМАЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

Кисловодск шаҳри — юрак - қон томир, нафас сиқиш, қон босими касалликлари ва бошқа хасталикларни даволашга мўлжалланган "Ўзбекистон" даволаш маскани.

Ялта шаҳри — нафас олиш йўллари, ўпка касалликлари ва бошқа хасталикларни даволашга мўлжалланган "Ўзбекистон" даволаш маскани.

Даволаш масканларида дам олувчилар ўз хоҳишларига кўра 7 кундан 21 кунгача бўлишлари мумкин.

Йўлланма нархига киради:
- бориш ва қайтиш учун йўл ҳақи
- 2 ўринли қулайликларга эга бўлган хоналарда туриш
- 3 маротабали овқатланиш
- тиббий хизмат.

Дам олувчиларнинг аризаларига кўра қўшимча ҳақ тўлаш эвазига қўшимча саёҳатлар уюштирилади.

Қуйидаги манзилга хуш келибсиз:
Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 2. "Баҳор" ресторани ва Тўйтепа автобекати ўртасида.
Телефонлар: 33-36-68, 33-63-12.

Тўлов тури — истаган шаклда!

Соат 24.00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Қўшни давлатлар ўзларининг пул бирликлари, миллий валюталарини аллақачон муомалага чиқардилар. Натижада кўча, бозор ва одам кўп йиғиладиган жойларда ўзаро пул алмаштириляпти. Албатта, бундай ҳолатда пулларнинг ҳақиқий еки қалбакилигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Негаки, нопок кимсалар томонидан сохта пулларни муомалага чиқариш ҳоллари учрамоқда.

ҚАЛБАКИ РУБЛЛАР

Навоий шаҳар ички ишлар бўлимининг навбатчилик қисмига Захарова ҳамда Сельверстова мурожаат қилишди. Айтишларича, номаълум шахслар уларни алдаб, сохта 170 минг Россия рублини алмаштириб кетишибди.

Бу факт юзасидан тезкор тергов гуруҳи тузилди. Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида ушбу жиноий ҳаракатни содир этган шахслар — Доғистон республикаси фуқаролари Сакинат Гусеинова ва Абдураҳмон Омаров қўлга олиндилар.

Тинтув чоғида уларнинг ёнларидан яна 20 миллион қалбаки рубллар топилди.

БАКДАГИ БАНГИ

Термиз туманида "ВАЗ-2107" русумли автомашина тўхтатилиб, текширилди. Унинг эгаси Қодиров Чимкентда яшаркан. Машинанинг орқа чироғи ичидан умумий миқдори 2 миллион 500 минг рубль бўлган Россия Федерациясининг 50 минг рубл қийматидаги сохта пуллар топилди.

Шу билан бирга текширув чоғида мазкур автомашинанинг бензин сақланадиган бакидан махсус ўралиб, хуфёна беркитилган 195 грамм наркотик модда ҳам чиқди.

ЯНА ҚАЛБАКИ РУБЛЬ

Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги деҳқон бозорида шахсини аниқлаш учун бир киши текширилди. У Доғистоннинг Левашинский туманида яшовчи Саломов деган шахс экан. Унинг ёнидан ҳам катта миқдорда қалбаки рубллар чиқди.

Юқоридаги мисолларни келтиришимиздан мақсад, бу қўшни республикаларга чиқиш учун ўз пулларини алмаштирмоқчи бўлган фуқароларимизга сабоқ бўлсин, дедик. Чунки сохта пулларни муомалага чиқаришга уриниб, текин даромад топмоқ истагида юрганларнинг найрангига учгандан бундай нохуш ҳолларнинг олдини олган афзалроқдир.

А. СОДИҚОВ,
Республика Ички ишлар вазирлиги Матбуот маркази нозири, милиция лейтенанти.

ХУДОЁР СУЛАЙМОНОВ

Шафқатсиз ўлим азиз ва меҳрибон дўстимизни, бутун ҳаётини халқ ишига, элу юртига бағишлаган фидойи инсон, меҳнат фахрийси Худоёр Сулаймоновни орамиздан бевақт олиб кетди.

Худоёр Сулаймонов 1925 йилда Қизилтепа туманидаги Мугжин қишлоғида туғилди. Ажойиб инсон, тадбиркор деҳқон Худоёр Сулаймонов гоҳ чўпон, гоҳ оддий пахтакор, гоҳ бригада бошлиғи сифатида меҳнат қучоғида чиниқди. У меҳнатдан ўз бахтини топган кишилардан эди.

Халқи, Ватани учун чин дилдан хизмат қилганлар ҳамиша эъзозланади. Худоёр Сулаймоновга 1974 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор унвони берилганди. 1978 йилда эса у Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон соҳиби бўлди. Орден ва бошқа медаллар билан тақдирланди.

Худоёр Сулаймонов узоқ йиллар пахтачилик бригадаси саркори бўлиб, юқори ҳосил устаси сифатида донг таратганди. У Ўртачўлда янги экинзор, боғ-роғлар яратиш ташаббускорларидан саналарди.

Худоёр Сулаймонов умрининг охиригача қишлоқдошлари ва тумандошларининг яқин маслаҳатгўйи эди.

Чин инсон, яқин дўстимизнинг ёркин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Бир гуруҳ дўстлари.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси Президент девонининг масъул ходими Ғофуржон Латифович Барноевга волидаи мухтарамаси **МАҲАР аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти жамоаси институтнинг бўлим мудири, филология фанлари доктори Абдурашид Абдуғофуровга онаси **Анбархон БАҲРИДДИНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ТошДТУ ректорати ва касаба уюшма қўмитаси "Назарий механика" кафедрасининг катта ўқитувчиси Й. Э. Эгамбердиевга умр йўлдоши **Инобат ЭГАМБЕРДИЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Жиззахда — 3-31-86; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90;
Бухорода — 3-54-87; Навоийда — 3-74-76; Қаршида — 3-25-79; Урганчда — 6-72-60;
Гулистонда — 2-26-22; Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 52-624; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А — 2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.30. Г — 1181, 72841 нусхада босилди.

Навбатчилар: О. НАЗАРОВ, Ҳ. ЭРМАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.

123456.